

# O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2009-yil, 3-iyul • № 27 (4010)


## АДАБИЁТГА ЭЪТИБОР – МАЪНАВИЯТГА, КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

**Маълумки, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг барча соҳалари қатори халқ маънавиятининг кўзгуси бўлмиш бадиий ижод, хусусан, бадиий адабиёт ривожи ҳам давлатимиз, жамиятимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда.**

**Мустабид тузум даврида номлари, асарлари тақиқлаб қўйилган ёзувчи ва шоирларимизнинг хотираси эъзозланиб, уларнинг адабий мероси қайтадан тиклангани, таваллуд саналари кенг нишонланиб келаётгани, нашриёт ва босмахоналар, газета ва журналларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, нашр ишлари замонавий талаблар асосида йўлга қўйилаётгани, адабиёт аҳлини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасидаги амалий ишлар бу фикрни яққол тасдиқлайди.**

**Шу йил 24 июн куни Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Б.Алимовни қабул қилиб, уюшма фаолиятининг самарадорлигини ошириш, миллий адабиётимизни ривожлантириш бўйича ёзувчилар, адабий жамоатчилик олдида турган долзарб вазифалар ҳақида суҳбатлашган ва ушбу масалалар юзасидан атрофлича фикр билдирган эди.**

**Куни кеча Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаоллар кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ёзувчи ва шоирлар билан бирга маданият ва санъат, таълим, илм-фан соҳасидаги вазирлик ва идоралар, ижтимоий жамғармалар, маънавият, ёшлар ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ёзувчилар уюшмаси фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан йиғилиш қатнашчиларини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов таништирди.**

**Қуйида давлатимиз раҳбарининг ана шу фикр-мулоҳазалари эълон қилинмоқда.**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳақида гапирганда, табиийки, халқимиз маънавиятининг, миллий тафаккуримизнинг ажралмас қисми бўлган, керак бўлса, унинг ўзагини ташкил этадиган она тилимизни, бой тарих ва қадимий анъаналарга эга адабиётимизни асраб-авайлаб, ривожлантириб келаётган заҳматкаш инсонлар, уларнинг оғир ва масъулиятли меҳнати барчамизнинг кўз олдимиздан ўтади.

Биз шоир деганда, аввало Алишер Навоийдек беназир зотларни, ёзувчи деганда, Абдулла Қодирий, Ойбек сингари ўз халқи учун нафақат ноёб истеъдоди, айни пайтда бутун ҳаётини бағишлаган буюк ва мўътабар инсонларни тасаввур этамиз.

Бир сўз билан айтганда, халқимиз адабиётни муқаддас ва улуғ бир даргоҳ деб билади. Ана шундай баҳонинг ўзи эл-юртимиз ҳаётида бу соҳа намояндаларига, уларнинг ҳаққоний сўзи, чуқур маъноли асарларига ишонч, ҳурмат-эътибор ва эҳтиром азалдан юксак даражага кўтарилганини яққол кўрсатиб турибди.

Ҳеч шубҳасиз, зиёлиларнинг илғор қисми бўлмиш бадиий адабиёт вакилларининг халқимиз қалбини, унинг олий мақсадлари, бугунги ҳаёти, тақдири ва келажагини яқиндан биладиган инсонлар сифатида жамиятимиздаги ўрни ва таъсири беқиёсдир.

Энг муҳими, ёзувчиларимиз ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамасдан, ўз ижодига, қалб амри билан танлаган касбига содиқ қолиб, миллий ўзлигимизни англаш, халқимиз онгу тафаккурини ўзгартириш, маънавий қадриятларимизни тиклаш ва юксалтириш йўлида хизмат қилиб келаётганини таъкидлаш ҳар томонлама тўғри бўлади.

Шахсан мен шоир ва адибларни доимо жамиятнинг олдинги сафларида юрадиган, ҳаётни кузатиб, одамларнинг юрагида, дунёқарашида бўлаётган ўзгаришларни ҳаммадан аввал сезиб, уларни таъсирчан образлар, ёрқин бадиий бўёқлар орқали маҳорат билан ёритиб бера оладиган, эл-юрт учун куйиниб яшайдиган фидойи инсонлар, деб биламан.

Мана, ҳадемай мустақиллигимизга ўн саккиз йил тўлади. Шу ўтган даврда биз юртимизда эркин, демократик жамият пойдеворини барпо этиш йўлида янгича руҳда ўсиб-улғаяётган навқирон авлодни вояга етказмоқдамиз. Савол туғилади: бу жараёнларга ёзувчилар қандай ҳисса қўшмоқда ва уларнинг олдида турган асосий вазифалар нималардан иборат?

Ўзбек тили, адабиёти бу борада қандай рол ўйнаши керак? Она тилимизни, бадиий тафаккуримизни ривожлантириш орқали халқ маънавиятини юксалтириш йўлида яна қандай ишларни қилишимиз зарур?

Ҳозирги шиддат билан тез ўзгараётган замоннинг ўзи ўртага қўяётган кескин ва долзарб муаммоларни англаш, таъбир жоиз бўлса, давримизнинг бадиий солномасини яратишга ёзувчиларимиз қодирми?

Мана шундай катта масалалар билан майдонга чиқиши керак бўлган Ёзувчилар уюшмасининг фаолияти бизни, аввало, шоир-адибларимизнинг ўзини қониқтирадими?

Жамиятнинг илғор ва онгли вакилларини бирлаштирган мазкур ижодий ташкилот бугун олдимизда турган янги ва юксак марраларга халқни даъват этиш, айниқса, таълим ва тарбия, маънавият, маданий ҳаётни ривожлантиришда нима иш қилиши керак, деган саволни кун тартибига қўйиш ўринлидир.

Албатта, адабиёт, ижод аҳли фаолиятига баҳо беришда, аввало, уларнинг меҳнати, маҳорати ва истеъдоди меваси бўлган асарларидан баҳраманд бўладиган кенг китобхонлар оммаси, жамоатчилик фикрига суяниш энг ҳаққоний, демократик ёндашув эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Шуни айтиш жоизки, аксарият ёзувчиларимиз совет даврининг тарбиясини олган, узоқ йиллар ҳукмрон мафкура руҳида ижод қилган. Лекин яна бир ҳақиқат ҳам борки, уларнинг кўпчилиги коммунистик тузум ғояларини сўзда маъқулласа ҳам, аслида ич-ичидан уларни қабул қилмаган. Негаки, коммунистик тузум инсоннинг, бинобарин, миллат ва халқнинг эркин ва озод яшашига, миллий тафаккур, диний қадриятларга қарши бўлганини ижод аҳли ҳаммадан кўра чуқурроқ англаган.

Табиийки, давр тақозосига кўра, ёзувчилар яшаш учун, ўз истеъдодини рўёбга чиқариш учун коммунистик тузум билан муроса қилишга мажбур бўлган. Шу маънода, мустабид тузум даврида виждон азобини ким кўпроқ тортган, деса, мен, доимо бу ҳаётнинг маъно-мазмуни, инсоннинг қадр-қиммати, эл-юрт тақдири ҳақида қайғуриб яшайдиган одамлар ва уларнинг олдинги қаторида бўлган ижод аҳли, деб айтган бўлардим.

Барчамизга аёнки, XXI аср интеллектуал салоҳият, тафаккур ва маънавият асри сифатида инсоният олдида янги-янги уфқлар очиш билан бирга, биз илгари кўрмаган, дуч келмаган кескин муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ёзувчининг башариятни эртанги кунини ўйлаб, одамларни эзгуликка, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка даъват этишга қаратилган ҳароратли сўзи ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Яъни, ёзувчи "Эй одамзод, кўзингни оч, сен нима учун яшаяпсан, инсон деган юксак номга муносиб бўлиш учун нима қиляпсан?" деган саволларни китобхон олдида, жамият олдида қатъий қилиб қўя олсагина, ўйлайманки, ўзининг инсоний ва ижодий бурчини бажарган бўлади.

Бундай маънавий ҳуқуққа эга бўлиш учун ижодкорларимиз, аввало катта билим ва ҳаётий тажрибага, кенг дунёқараш, юксак ижодий маҳоратга эга бўлиши, энг муҳими, бу ўта оғир, кучли иродани талаб этадиган жабҳада ҳақиқий фидойилик кўрсатиши лозимлигини яхши тушунамиз.

Шу боис ҳам ҳаётнинг ўзи Ёзувчилар уюшмаси фаолиятининг самарасини ошириш масаласини олдимизга долзарб вазифа қилиб қўймоқда. Мухтасар айтганда, бизнинг бадиий ижод соҳасига, бу Уюшманинг бугунги тақдири, эртанги кунига бефарқ бўлишга ҳаққимиз йўқ.

Бизнинг бу борадаги барча саъй-ҳаракатларимиз аввало Ёзувчилар уюшмасидаги муҳитни яхшилаш, уни мавжуд оғир вазиятдан чиқаришдек муҳим масалани ҳал қилишга қаратилиши зарур. Бу борада Уюшма аъзолари, шоир ва адибларимизнинг ўзлари нима иш қилиши, айни пайтда давлат, ҳукумат, Президент томонидан қандай ёрдам бериш кераклигини аниқлаб олишимиз лозим.

Менинг фикрим бўйича, Ёзувчилар уюшмасининг биринчи раҳбаридан тортиб оддий аъзосигача – унинг фаолиятига дахлдор ҳар бир одам ёзувчилар оламининг фикру зикрини, муаммоларини, бу ижодий ташкилотнинг Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама тушунишга қодир бўлиши керак.

Халқимиз йиллар, асрлар давомида орзиқиб кутган озодликка эришиб, ўз тақдирини ўз қўлига олганидан кейин ҳар қандай таҳдид ва хатарларга қарамасдан, юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, мустақилликни мустаҳкамлаш, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш мақсадида амалга ошираётган ишларимизни, энг муҳими, бу борада қандай оғир йўллардан, қандай мураккаб босқичлардан ўтишга тўғри келаётганини чуқур англаб етишимиз керак.

Адибларимиз айнан мана шундай масалалар устида, бугунги кунда уларнинг сўзи халқ қалбида қандай акс-садо бераётгани ҳақида яна бир бор ўйлаб кўришларини истардим.

Сир эмаски, бугун илгаригидек фақат том-том асарлар чиқариш билан иш битмайди. Ноқулайроқ бўлса ҳам, ўзимизга бир саволни бериб кўрайлик: кенг китобхонлар, айниқса, ҳозирги ёшлар бу асарларни ўқияптими?

Тўғрисини айтадиган бўлсак, ёшлар бугун ахборот ва маълумотларни асосан Интернет орқали оляпти, дунёни телевидение, компютер орқали таниляпти. Ота-онаси, ўқитувчилари минг тарғиб-ташвиқ қилмасин, бугунги ёшлар "Ўткан кунлар", "Уруш ва тинчлик" каби мумтоз романларни ёппасига ўқияпти, деб айта оламизми?

Модомики, шундай экан, энди одамлар, ёшлар китоб ўқимай қўйди, деб фақат нолиб ўтирмасдан, ана шу таъсирчан замонавий ахборот воситалари орқали адабиётимизни кенг тарғиб этиш, хусусан, Интернет имкониятларидан фойдаланиб, етук бадиий асарларни ёшларга етказиш устида ҳам жиддий бош қотириш зарур, деб ўйлайман.

**Давоми иккинчи бетда.**

## Маданий ҳаёт

"Ўзбекистон маданияти ва санъати" форуми ҳамда Ўзбекистондаги Арман маданият маркази ҳамкорлигида Ёшлар ижод саройида "Мен яшаётган олам" номли болалар ва ёшлар кўргазмаси очилди. Мазкур кўргазма сайёрамизда яшаётган барча халқларнинг ўзига хослиги, урф-одатлари, анъаналари ва маданий меросини ўзида намоён этиши билан ажралиб туради.

Арман маданият марказида ташкил этилган "Арвест" студиясида таҳсил олаётган ёш рассомлар кўп миллатли жамоадир. Студиянинг уч нафар қатнашчиси Ўзбек-япон маркази томонидан эълон қилинган болалар расмлари танловининг ғолиблари бўлдилар. Танлов Буюк Ипак йўли ўтган йўллардаги мамлакатларда ўтказилди. Ғолибларнинг ишларидан тузилган карвон ўз саёҳатини Япониянинг энг яхши кўргазма залларида якунлайди.

* * *

Нукус маданият ва санъат коллежида Қорақалпоғистон халқ бахшиси, Бердақ номидаги қорақалпоқ давлат мукофоти совриндори, "Мухаллес" дуторчилар ансамблининг асосчиси Генжебай Тилеумуратовнинг 80 йиллигига бағишлаб хотира кечаси ўтказилди. Анжуманда Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири Қ.Турдиев, Нукус маданият ва санъат коллежи директори Т.Даулетмуратова, олим А.Алимов, устознинг умр йўлдоши Хатша Азбергановалар Г.Тилеумуратов ҳақидаги хотиралардан сўзлаб бердилар.

## Ушбу сонда:


*Ер харакатда...

*Уммонлардан бири

*Афсонавий қўшиқлар ижрочиси

*Ўзингни енга олмаслик бахти




## ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

***Куни кеча "Туркистон" саройида "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танловининг "Ўзбекнаво" тизими бўйича Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган 34 нафар хонанда иштирок этди. Улар орасида нафақат бошловчи ёш қўшиқчилар, балки халқ меҳрини қозонган таниқли санъаткорлар Козим Қаюмов, Бахтиёр Султонов, Ўлмас Оллоберганов, Равшан Комилов, Илҳом Фармонов ва Гули Асалхўжаевалар ҳам бор. Яна катта саҳнага қайтган Шаҳбоз Низомитдинов афсонавий "Ретро Ялла" гуруҳи билан биргаликда ўтган аср етмишинчи йиллар ёшларининг машҳур қўшиғига айланган "Навниҳол" ва янги "Шарқ таронаси, қадим ноласи" сингари дилбар қўшиқларни куйлади.***

***Танлов ҳакамлар ҳайъатининг раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, бастакор Дони Илёсов мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:***

— Ватанни куйлашдан мақсад уни қалбдан ҳис этиб, бу туйғуни ўзига хос тарзда ифодалашдир. Танловда иштирок этаётган хонандалар мана шу мақсад йўлида ҳаракат қиляптилар. Албатта, бу уринишларда ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам йўқ эмас. Бироқ бу ҳали иккинчи босқич. Улар ўз устида ишлашлари учун ҳали имкон бор, биз эса тегишли маслаҳатимизни аямаймиз. Хурсанд бўладиган томони шундаки, ёшлар она юрт ҳақида турли йўналишларда ва турли тилларда, масалан, инглиз ва рус тилларида ҳам қўшиқ ижро этишяпти. Бу қадамлар мусиқа санъатимизнинг ривожига ижобий ҳисса бўлиб қўшилди, деб ўйлайман.

Президентимиз ташаббуси билан ўтказилаётган бундай танловларни ўтказишдан мақсад Ватан ҳақидаги қўшиқлар сонини шунчаки кўпайтириш эмас, балки бебаҳо халқ меросини бойитишда ўз ҳиссасини қўшиш учун бугунги авлодга ҳам бир имконият яратиб беришдир.

Хонанда қирқ йилда пишиб етилади, деган гап бор. Шу маънода бу нуфузли танловда ёшлар билан бир саҳнада устоз санъаткорларнинг ҳам қўшиқ ижро этиши табиий бир ҳол. Ватан ҳақида ҳар бир авлод ўзгача куйлайди. Қолаверса, Ватан ёш танламайди.

**— Ватанни улуғлаш, унга дахлдорлик ҳисси билан яшаш, номини кўкларга кўтариб, мадҳ этиш ҳар бир хонанданинг шарафли бурчидир,** — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Козим Қаюмов. **— Мусиқа дунёсида ўттиз беш йилдан бери хизмат қилиб келаётган бўлсам, бу мавзуга доир уч ёки тўртта қўшиқ айтган эканман. Яхши биласиз, "муқаддас" сўзини ҳар қандай тушунчага нисбатан ишлатиб бўлмайди. Бу сўзнинг ўз юки, сири бор. Ватан — кўз-қорачиғидек асраладиган маскан. Бу танловда "Тошкентим" (Рустам Хўжаев шеъри, Муҳаммаджон Отажонов мусиқаси) қўшиғи билан иштирок этяпман.**

Иброҳим Жиянов шеъри ва Дони Илёсов мусиқаси асосида куйланадиган иккинчи қўшиғимда эса гўзал ҳаёт ва инсонларнинг бир-бирига меҳр-муҳаббати тараннум этилади. Бу қўшиқ ўзимга хос бўлган овоз йўналиши билан айтилади.

Зоя Цой, Ўзбекистон давлат консерваториясининг аспиранти, кўрик-танлов иштирокчиси танлов ҳақида шундай дейди:

— Мен шу юртда туғилдим, камол топдим. Ватанимга бўлган муҳаббатим чексиз. Фақат ташқи кўринишимгина корейс миллатига мансуб эканлигимни эслатиб туради, холос. Умуман, мен ўзбекларни яхши кўраман. Ҳатто уларга бошқа бир миллат одамлари сифатида қарай олмайман. Ҳаммамиз ягона Ўзбекистон фарзандларимиз. Ижро этаётган қўшиғим "Кўз қароғим Ватан" (Нормурод Нарзуллаев шеъри, Дилором Омонуллаева мусиқаси) деб номланади.

Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра танловда иштирок этган қўшиқчилардан ўн бир киши Республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Шулар орасидан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Шаҳбоз Низомитдинов ва Козим Қаюмовларнинг ижроси биринчи ўринга лойиқ топилди.

Хонанданинг қалб туғёнларига сингиб кетган самимий эҳтиром қўшиқ умрини узайтириши турган гап. Муқаддас Ватан ва Муҳаббат мавзусига доир қўшиқлар қатидан сизиб чиқадиган кечинмалар дарё сувлари каби шаффоф мавжлансагина улар халқ хотирасидан мангуга жой олади.



## ИМКОНИЯТ ВА МАСЪУЛИЯТ

***Ўз сафларида кўп миллатли мамлакатимиз ижодкор зиёлиларини бирлаштирган уюшмамизда муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг уюшма фаолияти самарадорлигини ошириш, миллий адабиётимизни янада ривожлантириш юзасидан билдирган фикр-мулоҳазаларини тинглар эканман, биз ижодкорларга билдирилаётган ишонч ва эътибордан кўнглимда ёруғ туйғулар уйғонди.***




Мана, 18 йилдирки қорақалпоқ қалам аҳли ҳам эркин нафас олиб, ҳар қандай ғоявий тазйиқларсиз ижод қилмоқда. Поклик рамзи бўлмиш оқ қоғоз ва ижодкор... Қалбинг нимани истаса, қоғозга жам айлаб ёзишнинг гашти бошқача бўларкан. Кекса адибларимиз орқасига ўгирилиб қарашга чўчийдиган замонларда «номенклатура адиблари» бўларди. Улар нима ёзиб, нима айтмасин, қарсаклар чалинарди. Обрў-унвонлар, имтиёзлар, сарполар асосан ўшаларга тегарди.

Мустақиллигимиз туфайли ижодкорларнинг имконияти кенгайди. Қорақалпоғистон ёзувчилар уюшмаси қарийб юзга яқин аъзога, «Амударё» журнали каби ўз адабий нашрига эга. Уюшмамиз маданий-маънавий ҳаётда ўз нуфузига эга бўлган жамоат ташкилоти сифатида қалам аҳлининг янги асарлари жамотчилик муҳокамаларини ўтказиш ва уларнинг энг сараларини нашрга тайёрлаш, саҳна ёки экран тақдимотига тавсия этиш вазифаларини адо этиб келмоқда.

Мустақиллик йиллари чоп этилган, саҳна ва экранларимизга чиққан қорақалпоқ адиблари асарларининг мухтасар рўйхатига эътибор беринг: Ибройим Юсуповнинг «Ҳаёт, сенга ошиқман», Кенгесбой Каримовнинг «Кўнгил мулки», Жиянбой Избоскановнинг «Соғинч фасли», Халила Давлетназаровнинг «Дўст бўлиш ҳамманинг қўлидан келмас», Гулистон Матёқубованинг «Қайтмоқ учун кетмакдаман», Набира Турешованинг «Азизим», Бахтиёр Генжемуродовнинг «Укуздарё битиклари» сингари шеърий тўпламлари, Тўлеберген Қаипбергеновнинг «Қорақалпоқман, таваккалчиман», «Қалбимнинг қомуси» роман-эсселари, Ҳуснатдин Ҳамидовнинг «Ўз уйим» романи, Саригул Баҳодированинг «Тўмарис ва Кир» қиссалари, Муродбой Низанов, Сайловбой Жумагулов, Аҳмад Оқназаровларнинг ҳажвий асарлари, Шароф Уснатдинов, Умрбой Утевлиевнинг бадиий-публицистик асарлари, Холмурод Сапаров, Абдумурод Отажанов, Гулнора Нурлепесоваларнинг болаларга аталган асарлари, Қипчоқбой Матмуродов, Олтингул Утениязоваларнинг драмалари, Турениёз Қалимбетов, Муродбой Низоновларнинг киносценарийлари...

Халқ оғзаки ижодиётидан «Алпомиш» достонининг саккизта варианти алоҳида китоб ҳолида чоп этилди. Шунингдек, «Қирқ қиз», «Маспашша», «Шаҳриёр», «Кублан», «Едиге», «Ғариб ошиқ» сингари халқ достонлари, эртаклар, ҳангомалари, удум шеърияти ва турли жанрдаги меросимизнинг юз жилдлик кутубхонасини чоп этиш арафасида турибмиз.

Бу қорақалпоқ халқининг маънавий бойлигини тиклаш учун мустақиллигимиз берган бебаҳо имкониятлардир.

Қорақалпоқ адабиётининг қўшчинори аталмиш Ўзбекистон Қаҳрамонлари Ибройим Юсупов ва Тўлеберган Қаипбергеновлар таваллудининг 80 йиллиги тантаналари бутун юртимиз миқёсида ўтказилди. Қорақалпоқ адиблари асарларининг ўзбек тилига ўгирилиб марказий нашрларда чоп этилиши, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмалари ташаббуси билан ёш ёзувчиларнинг анъанавий анжуманлари адабиётимиз ривожига алоҳида эътиборидан далолатдир.

**Давоми иккинчи бетда.**

## ОЙХОН ОПАНИНГ ГАВҲАРИ

*Бектемир туман ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бўлимига қарашли "Гавҳар" фолклор-этнографик халқ ансамбли бадиий раҳбари Ойхон Ёқубованинг номини санъат шинавандалари яхши биладилар. Серғайрат, тиниб-тинчимас, умрини санъатга бахшида қилган бу санъаткор ўзбек халқ оғзаки ижоди, фолклор намуналарини тўплаш, уларни ижро этиш, халқ орасида тарғиб-ташвиқ қилиб, авлодларга етказиш йўлида фидойилик билан ишлади. О.Ёқубова ибратли ҳаёти ва бой ижодий фаолияти билан халқимиз орасида ўзидан яхши ном қолдирди.*

*Яқинда Ўзбекистон Миллий боғининг ёзги эстрада саҳнасида "Барҳаёт сиймолар" туркумидан Ойхон Ёқубова хотирасига бағишланган адабий-мусиқий тадбир ўтказилди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ ижодиёти маркази, Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, Бектемир туман ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамда Миллий боғ ҳамкорлигида ўтган тадбирда фолклоршунос олимлар, мутахассислар, санъаткорнинг сафдошлари ва шогирдлари, жамоатчилик вакиллари қатнашдилар.*

*"Гавҳар", "Нодирабегим", "Дурдона" фолклор-этнографик ансамбллари, Тошкент маданият коллежи талабалари ўз чиқишлари билан устоз санъаткор хотирасини шод этдилар.*

**Беҳзод ҚАҲҲОРОВ**

# АДАБИЁТГА ЭЪТИБОР — МАЪНАВИЯТГА, КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Бошланиши биринчи бетда.

Бу ҳақда сўз борганда, ўзбек тилидаги Интернет адабиётини шакллантириш, шоир ва ёзувчиларимизнинг ўз веб-сайтларига эга бўлишига эришиш нафақат адабий жараёнга, керак бўлса, бутун маънавий-маърифий ҳаётимизга кучли таъсир ўтказишини сизлар албатта яхши тушунасиз.

Айни вақтда ана шундай замонавий воситалар ёрдамида мумтоз адабиётимизни, жумладан, Алишер Навоий асарларини халқимизга яқинлаштириш, бу ноёб меросни ҳақиқатан ҳам маънавиятимизнинг ҳаётбахш манбаига айлантириш барчамиз, аввало адабиёт аҳлининг вазифаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Шу борада яна бир муҳим масала устида ўйлаб кўришимиз керак. Яъни, ёзувчиларимиз ўз истеъдоди билан одамларнинг онги ва дунёқараши, маданий савиясини юксалтириш, халқ қалбининг куйчиси бўлишдек оғир ва мураккаб, улуғ бир вазифани зиммасига олган экан, аввало эл-юрт олдидаги фарзандлик бурчини, граждандлик позицияси ва масъулиятини чуқур сезиши, англаши ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Менинг фикримча, ёзувчилик — бу оддий касб эмас, худо берган истеъдоддир. Бу — қисмат, пешонага ёзилган тақдир. Бу касбга ҳеч қаерда ўқитиб, ўргатиб бўлмайди. Ёзувчиликнинг мактаби ҳам, дорилфунуни ҳам битта. У ҳам бўлса, бир умр ҳаётнинг ичида бўлиш, ўз халқи билан ҳамдарду ҳамнафас бўлиб яшаш, ҳақиқат ва адолатга садоқат билан хизмат қилишдир.

Шу маънода, Ёзувчилар уюшмаси юртимиздаги бошқа жамоат ташкилотларидан мутлақо фарқ қилади. Бу Уюшма ҳар бири алоҳида бир олам бўлган ўнлаб, юзлаб шоир ва адибларни, уларнинг нафақат моддий, балки маънавий манфаатларини, муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш учун бевосита масъул эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Шу ўринда яна бир фикрга алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Чинакам ижод ва истеъдод маҳсули бўлган асарларни, ёзувчининг юрагидан, қалбидан чиққан ҳаққоний ва таъсирчан фикрларни кенг оммага етказиш учун барча мавжуд воситалардан унумли фойдаланиш зарур. Дейлик, эски даврда бўлганидек, ёзувчи нашриёт учун хизмат қилишига чек қўйиш лозим.

Керак бўлса, нашриётлар ҳам, театрлар, радио-телевидение, киностудиялар ҳам ёзувчи ва шоирларнинг ижодини жамоатчиликка, ўқувчи ва томошабинларга етказиш, улар билан ҳамкорлик қилишдан, уларга янада кенгроқ минбар беришдан манфаатдор бўлиши лозим. Чунки, бу ижод турларининг ҳам тагзаминида биринчи навбатда адабиёт, сўз санъати туриши ҳеч кимга сир эмас.

Ёзувчилар уюшмаси фаолиятининг самарасини оширишда энг муҳим **биринчи масала** ижодкор ўзининг ижтимоий бурчини қандай тушуниши билан бевосита боғлиқдир. Нега деганда, адибнинг сўзи, унинг ижодий меҳнатининг маҳсули жамият тараққиёти учун нақадар зарур эканини барчамиз, аввало шу соҳага кириб келаётган ва шу соҳада фаолият олиб бораётган адибларнинг ўзи яхши англаб олиши керак.

Таъбир жоиз бўлса, одам ёзувчилик касбини танламайди, аксинча, бу касб ёзувчини танлайди. Истеъдод, истеъдод ва яна бир бор истеъдод соҳибларини топиш, тарбиялаш ва уларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш энг асосий вазифамизга айланиши зарур.

Шундан келиб чиқадиган **иккинчи масала** шуки, бугунги кунда ёзувчиларнинг машаққатли ижодий меҳнатини тўғри ва адолатли баҳолаш учун давлат ва жамият томонидан яна нима иш қилиш керак, деган савол устида ўйлашимиз даркор. Аслида бу ўта мураккаб масала бўлиб, очиғини айтганда, бир ёзувчига юқорироқ, бошқасига эса пастроқ баҳо беришда ҳакам бўладиган одам ҳам, аниқ мезон ҳам йўқ.

Бундай вазифани ўз зиммасига оладиган кишилар, менинг назаримда, жуда оғир ва мушкул ишни ўз зиммасига олган бўлади. Нега деганда, инсоннинг ҳиссиётлари, унинг чексиз руҳий оламини тасвирлаб берадиган, не-не буюк донишмандлар ҳам ожиз қолган бу ҳаётнинг азалий ва абадий савдоларини акс эттирадиган ижод соҳасида қандайдир мезон ва меъёрлар механизмини ишлаб чиқишнинг ўзи қийин нарса.

Айтайлик, заводда ишлаб чиқарилган буюм — соат ёки машинанинг сифатига баҳо бериш мумкин, лекин ижод маҳсулига шундай баҳо бериб бўладими? Агар бу масаланинг моҳиятига тўғри етиб борилмаса, ялт этган ёш истеъдодга муносиб баҳо берилмаса, уни ижодий ишдан совутиб, қобилиятини сўндириб қўйиш ҳеч гап эмас. Бу эса гавҳарнинг қадрига етмасдан, худдики уни тупроққа кўмиб қўйиш билан баробар, десак, муболаға бўлмайди.

Хулоса шуки, адабий жараёнга, шоир ва адиблар фаолиятига баҳо беришда ўта нозиклик ва эҳтиёткорлик билан ёндашиш керак.

Менга қолса, ўз истеъдоди, кўз нури ва юрак қўрини, бутун борлиғини бағишлаб, фақат ижод билан шуғулланадиган ҳақиқий ёзувчиларни моддий ва маънавий томондан қўллаб-қувватлаш учун уларга барча шароит ва имкониятларни яратиб берган бўлардим.

Маълумки, Уюшма таркибидаги айнан шу масалалар билан шуғулланиши лозим бўлган Адабиёт жамғармаси бугунги кунда молиявий жиҳатдан ночор аҳволга келиб қолган. Шу сабабли унинг ўрнида янги жамғарма — Ижод фондини тузиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш бу муаммоларни ечишга имкон туғдиради, деб ўйлайман.

Бунинг учун тегишли идора ва вазирликлар билан биргаликда Ижод фондининг низомини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш керак. Бу Фонднинг низом жамғармасини шакллантиришга албатта давлат ўз маблағи билан ҳисса қўшади.

Шунингдек, мамлакатимиздаги йирик ишлаб чиқариш корхоналари, турли ташкилот ва муассасалар, халқаро ташкилотларнинг хайрия маблағларини ҳам бу жамғармага жалб этиш устида ишлашимиз керак.

Нега деганда, адабиёт масаласи — бу маънавият масаласидир. Бу Фонд ёзувчиларни қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда, юртимизда ижод соҳасининг, миллий маданиятимизнинг ривож топиши учун, келажагимиз учун хизмат қилишини ёддан чиқармаслигимиз лозим. Ижодий жараённинг, адабиётнинг асосий бунёдкори — бу ёзувчи ва шоирлардир. Лекин бу ишни фақат уларнинг елкасига ташлаб қўймасдан, жамоатчилик, бутун жамиятимиз унга ўз ҳиссасини қўшиши керак.

Айни пайтда бундай Фонд ёзувчиларнинг ижодий фаолиятини оширишга хизмат қиладими ёки боқимандаликка олиб келадими — бу ҳақда ҳам ҳар томонлама чуқур ўйлаш лозим. Бошлаётган ишларимиз амалий самара бериши, ғоявий-бадиий етук асарлар яратишга замин туғдириши учун пухта ўйланган механизмларни яратишимиз зарур.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ижодий фаолият учун қалам ҳақи тўлаш тизимини қайта кўриб чиқиш керак. Бу — энг нозик масала. Бу тизим адолатли бўлиши, Ёзувчилар уюшмаси ишининг самарасини оширишда рағбатлантирувчи омил вазифасини бажариши, содда қилиб айтганда, ҳақиқий ижод намунасини қалбаки асарлардан, яъни шолини курмакдан ажратишга хизмат қилиши керак.

Ижод аҳли учун шарт-шароитларни яхшилаш ҳақида гапирганда, яна бир масалага алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ёзувчилар уюшмасининг поликлиникасини ва Дўрмондаги ижод уйини таъмирлаш бўйича қарор лойиҳасини тайёрлаш лозим.

Бунинг учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан маблағ ажратишни кўзда тутиш, таъмирлаш ишларини 2010 йилда амалга ошириш, жорий йилда эса тегишли лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш керак. Шу билан бирга, Дўрмон ижод уйининг бугунги кун талаблари асосида самарали фаолият юритишини таъминлаш учун унинг ҳам низомини ўзгартириш зарур.

Барчамиз яхши англаймизки, адабиётда ҳам анъаналар давомийлиги, кекса авлод вакилларига ҳурмат-эътибор, уларнинг билим ва тажрибасини ёшларга ўргатиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу маънода, Уюшма фаолиятида кекса адибларга эътиборни янада кучайтириш керак, деб ўйлайман.

Ёши улуғ ёзувчиларга, асарлари ёшларимиз учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қиладиган оқсоқолларга ёрдам тариқасида Ижод фондидан маълум миқдордаги маблағни Ёзувчилар уюшмасининг қарори билан уларга бериб бориш айни муддао бўлур эди.

Бундай савобли ишни маданият ва санъатнинг бошқа соҳаларида ҳам жорий этиш зарур, деб ҳисоблайман.

**Учинчи масала.** Бу чора-тадбирлардан кўзда тутилган асосий мақсад — Ёзувчилар уюшмасининг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини янада оширишдан иборат. Токи Уюшмага аъзо бўлган ҳар қайси инсон авваламбор бу ташкилот унинг ижодини ривожлантириш, асарларини жамоатчиликка етказиш, истеъдодини рўёбга чиқариш, муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалий ёрдам ва кўмак беришга қодир эканини яқиндан ҳис қилиши лозим.

Ўзимизга савол берайлик: хўп, бир қаламкаш уюшмага аъзо бўлди. Бунинг таъсирини бугунги кунда у ўз ижодида, ҳаётида сезадими? Афсуски, бу саволга ижобий жавоб бериш қийин. Яъни, ёзувчиларда Уюшма мени ўз бағрига олди, энди хотиржам бўлиб, ижод билан шуғулланишим мумкин, деган тушунчани ҳис этиш, шундан қониқиш ҳосил қилиш йўқ.

Уюшма — бу бирлашма дегани. Шундай экан, ягона эзгу мақсад йўлида бирлашган одамлар бир-бирига елкадош бўлиб, бир-бирини қўллаб-қувватлаб яшаши керак эмасми?

Уюшма раҳбариятининг асосий бурчи, вазифаси, такрор айтаман, биринчи навбатда ижодкорлар учун зарур шарт-шароит яратишдан иборат бўлиши керак. Бу вазифаларни амалга ошириш учун эса аввало моддий асос, молиявий заминга эга бўлиш лозим.

Шу билан бирга, Ёзувчилар уюшмасининг сифат таркибини ҳам кўриб чиқиш зарур, деб ўйлайман. Бу муқаддас даргоҳ не-не улуғ ижодкорларнинг қутлуғ номлари, ижодий мероси билан боғлиқ. Шундай экан, Уюшма ўзининг обрў-эътибори ва юксак мақомига муносиб бўлиши, адабиётни ўз ҳаётининг маъно-мазмуни деб биладиган фидойи инсонларгина бу ташкилотга аъзо бўлиши керак.

**Тўртинчи масала** — ёш ижодкорлар билан ишлаш масаласи. Истеъдодли ёшларни излаб топиш ва уларнинг иқтидорини рўёбга чиқаришда чуқур ўйланган усуллар, яъни аниқ механизм зарурлигини бугун адабиётимиз манфаатлари талаб этмоқда. Ёш адиб ва шоирлар, адабий танқидчиларнинг ҳар бири ўз асарлари билан адабий жамоатчилик назаридан, ижодий танловлар, жиддий тақризлардан ўтиб, тегишли эътирофга сазовор бўлиб, шундан кейингина адабиёт майдонига ва Уюшма аъзолигига кириши лозим. Авваламбор, устоз адибларни, Ёзувчилар уюшмасининг тажрибали ва нуфузли аъзоларини ёшлар билан ишлашдек муҳим жараёнга кенг жалб қилишимиз даркор.

Уюшма низомида бу масалага алоҳида эътибор қаратиш, умуман, бу борада алоҳида ҳужжат ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур. Айниқса, вилоятларда бу ишни алоҳида кўриб чиқиш ва назоратга олиш керак.

Уюшма аъзолигига даъвогарларнинг асарларини баҳолашда истеъдод ва фақат истеъдод асосий мезон бўлиши зарур. Бунинг учун нафақат марказда, балки жойларда ҳам фаолият кўрсатаётган ижодий тўгарак ва семинарларнинг иш самарасини ошириш, баҳс-мунозаралар, мушоиралар, фикр алмашувлар, шу билан бирга, устоз ёзувчи ва шоирларнинг маҳорат мактабини ўрганиш бўйича машғулотлар олиб боришни кучайтириш даркор.

Ёш ижодкорлар ўртасида ўтказиладиган танловларда қатнашаётган қаламкашлар орасидан энг яхши истеъдод эгаларини танлаб олишда Ёзувчилар уюшмаси асосий ташаббускор бўлиши, бу ишларни "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда амалга ошириши зарур.

Бу борада амалий натижа бермаётган баъзи бир юзаки тадбирлар ҳам борки, улар бугун ўзини қанчалик оқлаяпти — бу масалани ҳам алоҳида кўриб чиқиш керак. Умуман, ёш ёзувчиларнинг ижодий семинарларини санаторийларда, хушҳаво чаманларда ўтказиш шартми? Ахир, ёзувчи зоти доимо ҳаёт қўйнида бўлиши, унинг қайноқ нафасини сезиб туриши керак эмасми?

Ижод — бу ўзини қийнаш, машаққат чекиш, ҳузур-ҳаловатдан воз кечиш, том маънода фидойилик демакдир. Чинакам ёзувчи одамларнинг дарду ғами билан яшаши, халқ ичига кириб бориши, ўзи учун илҳомни, янги мавзуларни шу ҳаётдан, унда бўлаётган ўзгаришлардан олиши кераклигини барчамиз яхши биламиз.

Шундай экан, нима учун бу анжуманлар турли вилоятларда эмас, ҳар йили бир жойда ўтади? Қолаверса, бу семинарларга номзодларни танлаб олиш бўйича аниқ тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиш ҳақида ҳам бош қотириш фурсати етди, деб ўйлайман.

**Бешинчи масала.** Назаримда, биз бир вақтлар раҳматли Озод Шарафиддинов бошлаган муҳим бир ишни эътибордан четда қолдиргандекмиз. Яъни, у киши "Жаҳон адабиёти" журнали орқали бошлаб берган дунё адабиётининг энг яхши намуналарини таржима қилиш, чоп этиш, ўрганиш билан боғлиқ тажрибалар, чет эл ёзувчилари билан алоқаларни янада ривожлантириш масаласига бугун етарлича аҳамият бермаяпмиз. Ҳолбуки, биз маънавиятимизни юксалтириш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга интилаётган эканмиз, ҳеч қачон ўз қобиғимизга ўралашиб қолмаслигимиз керак.

Қисқача айтганда, бошқа соҳалар қатори адабиёт соҳасида ҳам халқаро алоқаларни кучайтириш зарур. Қайси мамлакатда бизнинг адабиётимиз, маданиятимиз, қадриятларимизга ҳурмат билан қарашади, хориждан биз нималарни ўрганишимиз мумкин ва, ўз навбатида, уларга нималарни тақдим этишимиз мумкин — бугун бу масалалар халқаро майдонда ўзлигимизни намоён этишда катта аҳамиятга эга эканини доимо ёдда тутишимиз лозим.

Мен бу борада Ғарб билан бирга Шарқ мамлакатлари, жумладан, Япония, Хитой, Жанубий Корея билан, Миср, Бирлашган Араб Амирликлари, Қувайт каби араб давлатлари билан алоқаларни кучайтиришни тавсия этган бўлардим.

Бундай ижодий ҳамкорлик алоқаларини боғлашда албатта ўзаро тенглик, ҳурмат ва самимият ғоят зарур. Шуни унутмаслик кераккки, ўзбек миллати, ўзбек халқи — худонинг назари тушган миллат. Ўзбекистон — Оллоҳ назар солган юрт. Бизнинг юртимиз, халқимиз ҳеч кимдан кам эмас ва ҳеч қачон кам бўлмайди.

**Энг охирги масала** — нашриётлар ва нашр масаласи. Бугунги кунда нашриётларга тўла эркинлик берилган, уларнинг фаолиятига ҳеч ким четдан туриб аралаша олмайди. Лекин ана шу эркинликни тўғри тушуниш, масалага масъулият билан ёндашиш даркор. Яъни, фақат иқтисодий манфаат ортидан қувиб бадиий жиҳатдан заиф, миллий маънавиятимиз, қадриятларимизга тўғри келмайдиган, адабиётнинг обрўсини туширадиган китоблар нашр этилишига йўл қўймаслик керак.

Айниқса, адабий жараён кўзгуси бўлган газета ва журналларда шеър ва ҳикояларни чоп этишда талабчанлик ва масъулиятни янада кучайтириш керак, десам, ўйлайманки, муҳтарам адибларимиз ҳам бу фикрга қўшиладилар.

Бунда, айниқса Уюшма муассислигида чоп этиладиган "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси, "Шарқ юлдузи", "Звезда Востока", "Ёшлик", "Амударё" журналлари фаолиятини ҳар томонлама кучайтириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шаклу шамойили, мавзу-мундарижасини яхшилаш, муаллифлар, ижодий жамоатчилик билан кенг ҳамкорликда иш олиб боришни таъминлаш, сўзсиз, катта аҳамият касб этган бўлур эди.

Бундан ташқари, ҳар бир китоб, ҳар бир бадиий асарнинг талаб даражасида чоп этилишида Ёзувчилар уюшмаси ва нашриётлар ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатиш, ўз таркибида истеъдодли, холис ва адолатли адиб ва мунаққидларни бирлаштирган ижодий кенгашларнинг самарали фаолият кўрсатишига эришиш керак.

Ёш ижодкорларнинг асарларини чоп этишга ҳам айнан шу кўз билан қараб, бу масалага алоҳида эътибор бериш лозим. Бундай ёндашув марҳум Муҳаммад Юсуф каби ҳақиқий истеъдодларни кашф этиш ва уларнинг ижодини халққа етказишда энг тўғри ва адолатли йўл бўлади.

Менимча, бу масаланинг асосий калити — чинакам иқтидор эгаси бўлган ёш ижодкорларнинг биринчи китобини давлат ҳисобидан чоп этишдан иборат. Бу борада Ёзувчилар уюшмаси ва нашриётлар Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан шартнома тузиб, бу китобларни уларнинг кутубхоналарига, ахборот-ресурс марказларига етказиб бериш ва шу тариқа минг-минглаб фарзандларимизнинг бу асарлардан баҳраманд бўлишига эришиш мумкин.

Шу билан бирга, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида, олий ўқув юртларида таълим олаётган ёшларнинг ана шу китоблар ҳақидаги фикрларини ўрганиш ёшларимиз ўртасида китобхонлик маданиятини ошириш, ёзувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқотни кучайтиришга хизмат қилиши табиийдир.

Айниқса, биз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган болалар адабиётини ривожлантиришга алоҳида эътибор беришимиз, мустақил фикрлайдиган шахснинг шаклланиши, ҳар қандай китобхонлик, мутолаа маданияти болаликдан бошланишини доимо ёдда тутишимиз лозим.

Ёш истеъдодларни айнан ана шундай талаблар асосида камол топтириш, уларнинг адабиёт оламида ўз муносиб ўрнини эгаллашини таъминлаш учун Ёзувчилар уюшмаси қошидаги Ёш ижодкорлар билан ишлаш кенгашининг фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш ва янгича асосда қайта ташкил этиш лозим.

Мана шу фикрларни сизларга мурожаат тариқасида етказиб, бу масалалар хусусида сизлар билан, яъни, давлат ва ижодий ташкилотлар билан биргаликда бош қотириб, тегишли хулоса ва қарорлар чиқариш ўринли, деб биламан.

Шу билан бирга, илгари билдирган бир фикримни таъкидлаб айтмоқчиман: агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажагини улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак. Нега деганда, улуғ адиб Чўлпон айтганидек, адабиёт яшаса — миллат яшайди.

Мана шундай улкан ва масъулиятли вазифаларни амалга оширишда жонкуяр ва фидойи адибларимиз ўзбек адабиётининг муқаддас анъаналарига садоқатли бўлиб, уларни муносиб давом эттирган ҳолда ижод қиладилар ва янги-янги гўзал асарлар билан халқимизни хушнуд этадилар, деб ишонаман.

* * *

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган қизғин ва самимий фикр алмашув ҳамда муҳокамаларда уюшма раиси Бобур Алимов, Ўзбекистон Миллий университети профессори, адабиётшунос Умарали Норматов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, халқ шоири Иқбол Мирзо, адабиётшунос олим Шуҳрат Ризаев, Ёзувчилар уюшмасининг Фарғона вилояти бўлими масъул котиби, шоира Энахон Сиддиқова, "Жаҳон адабиёти" журнали бош муҳаррири, шоир Мирпўлат Мирзаев, ёзувчи Улуғбек Ҳамдамов, самарқандлик адиб ва публицист Нусрат Раҳмат ва бошқалар қатнашдилар.

Сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбари томонидан ўзбек адабиётининг бугунги куни ва эртанги истиқболини ўйлаб кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик учун миннатдорлик билдирдилар. Хусусан, Президентимизнинг ижод аҳлига қаратилган мазкур мурожаати нафақат Ёзувчилар уюшмасининг фаолияти, балки бутун маънавий ҳаётимиз учун умуммиллий аҳамиятга эга экани, бу фикр-мулоҳазалар бугунги кунда шоир ва адиблар олдида турган муҳим ва долзарб вазифаларни ҳал этишда дастуруламал бўлиб хизмат қилишини таъкидладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА)**

# ЕР ҲАРАКАТДА, ОЛИМЛАР ҲАМ

Қадимги юнонлар ерни "гео" деганлар. "Гео" билан бошланадиган ўттиз тўрт фан, соҳа, бўлим, касб мавжуд. Биринчи мингйиллик охири, иккинчи мингйиллик бошларида Абу Наср Форобий, Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино сингари қомусий илм эгалари "гео", хусусан геология муаммолари билан жиддий шуғулланганлар.

XX асрда Ҳабиб Абдуллаев, И.Исамуҳамедов, В.Попов, Н.Петров, Ғани Мавлонов, Иброҳим Ҳамробоев, Обид Акромхўжаев, М.Аҳмаджонов, Ф.Асқаров сингари олимлар геология фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшдилар. Ўзбекистон Фанлар академиясининг аъзолари орасида геолог олим нуфузининг кўплиги фикримизни тасдиқлайди.



Мустақиллик йилларида геология фани теранлик, кўламдорлик, кенг тармоқлилик касб этмоқда. Ўзбекистон Миллий университетининг олимлари — академик Тўрабек Долимов, профессор Виталий Троицкийларнинг геология эволюциясига доир тадқиқотлари глобаллашув жараёнининг ҳаётбахш тамойиллари асосида яратилганлиги билан диққатни жалб этади. Эллик босма табоқ ҳажмидаги мазкур асарда юзлаб чизмалар, хариталар, жадваллар, кўрсатма воситалар тарихи бор. Олимлар мазкур тадқиқотни яратишда жаҳон геология илмидаги тамойил, қонуният, методлардан унумли фойдаланадилар. Адабиётшуносларда: "Фалончи асар фалон ёзувчи ижодининг бош китоби", — деган гап бор. Т.Долимов, В.И.Троицкий бой тажрибага эга, илмий йўналишини узил-кесил белгилаб олган, ўнлаб асарлар чоп эттирган, кўплаб шогирдлар етиштирган олимлар. "Эволюцион геология" — икки машҳур олим илмий ижодининг бош китобидир. Китоб библиографиясини кузатган мутахассис "Эволюцион геология" муаллифлари қарийб эллий йиллик илмий ижодлари давомида чоп этилган китоблар, қарашларни жамлаганликларига гувоҳ бўлади.

Инсон табиатида ғаройиб ҳолат бор. Мен қачонки, Тўрабек Нўъмоновичнинг геология ҳақидаги қизиқарли, илмий асосланган асарлари билан танишсам, "Геология ҳам ўлмас бадиий асарга ўхшайди-да", деган фикрга келавераман. Қаранг, ҳақиқий адабиётшунос-мунаққид асар атрофида гирдикапалак бўлавермайди, аксинча асар руҳига киради, моҳиятни ёритади. Геолог ҳам ернинг "ичига" киради", марказга интилаверади: пўстлоқ, мантия, геологик ҳавзалар, лаққа чўғ — марказ ҳақида ишонарли маълумот беради.

Геологлар ўрганадиган "бадиий асар" — ер яккаю ягона, ибтидоси бору интиҳоси кўринмайдиган соҳа. Адабиётшунослар ўлмас асарлар ёшини аниқлаш мақсадида турли қиёс, солиштирувлардан фойдаланадилар. "Эволюцион геология" асари муаллифлари геохронология — мутлақ вақт масаласини ўртага қўядилар. Ер сайёраси ўз ўқи атрофида узлуксиз ҳаракатда бўлади. Бу ҳаракат қачон, қандай бошланган? Геологлар вақтни эон, эратема, давр, аср дея белгилаганлар. Қизиқ-а, бирон одам юз йил яшаса, ҳамма қойил қолади. Бир аср-а?! Геологияда аср энг кичик вақт бирлиги экан. Энг узоқ, катта вақт Архей эон дейилади. У энг қадимги тоғ жинсларининг пайдо бўлган жойи ва вақтини (докембрий, хронотопини) кўрсатади.

XX асрнинг 80-йилларида Австралияда энг қадимги тоғ жинси ГНЕЙС топилди. Унинг ёши тўрт миллиард беш юз эллик миллион йил деб белгиланмоқда. Архей эон тўрт ярим миллиарддан икки ярим миллиард йилни ўз ичига олади. Эон, эратезма, даврлар ҳақида ўйласак, бизнинг кўниккан тақвимларимиз нақадар қисқа вақтни қамраб олишини кузатамиз. Катта Вақт юксаклигига кўтарилган, адабиёт аршининг сўнмас юлдузи дейилаётган мангу асарлар ўртачароқ геологик эрага ҳам тўғри келмас экан.

Геологиядаги Архей эон, эратема, давр, асрлар қандай белгаланади, ўлчанади деган савол ҳаммани қизиқтиради. Биз вақт ўлчови табиат ҳодисаларини, юзларча соат турларини биламиз. Ахборот технологияси вақтни бехато ўлчашда ўзига хос воситаларни тавсия этмоқда. Вақт, унинг аниқ изчил ҳаракатини кузатиш — инсон табиатига чуқур сингиб кетган. Одам зоти ер қачонлардир пайдо бўлганини, вақти-соати келиб ерда қиёмат-қойим бўлишини ҳам билади. Олимлар ернинг ёши ўн миллиард йилгача бўлишини айтадилар. Ер "қаригач", "вафот" этишини ҳам биладилар. Фан "апокалипсис" (қиёмат) тушунчасига илмий, мантиқий жавоб топиб қўйган. Ернинг "ҳаёти" қуёшга — мангу нур манбаига боғлиқ. Қуёшнинг нур, иссиқлик тарқатиш қуввати тугагач...

Геологлар ер қатламига қаватма-қават кириб борадилар: пўстлоқ, пўстин, ҳавзалар, улардаги узлуксиз ҳаракат, ниҳоят радиуси олти минг километр келадиган ер ўзаги. Ўзак — олов, узлуксиз ҳаракат. Миллиард йиллар давомида ер ўзаги нечун музлаб қолмади? Ерда узлуксиз ҳаракат бор. Ер ўқи радиусида босим ҳамиша кучли бўлади. Босим кучли ҳарорат, оловни пайдо қилади. Олов ўзига йўл излайди. Лавалар ҳавзаларни тўлдира боради. Бу жараён эон, эратезма, даврлар давомида рўй беради. Конларнинг пайдо бўлиши ҳавзаларга, лавалар ҳаракатига боғлиқ.

Дарвоқе, қазилма бойликлар, конлар ҳақида...Яқин-яқинларгача геологияни коншунослик фани дер эдилар.

"Ўзбекистон Республикаси энциклопедияси"да (Тошкент, Қомуслар бош таҳририяти — 1997 йил) "Геология фанлари" қисми: "Ўзбекистон ҳудудида фойдали қазилмаларни излаб топиш ва ўрганиш жуда қадим вақтлардан бошланган" (429-бет), деган жумла билан бошланган. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди, умуман Ўрта Осиё ва Қозоғистон геологларнинг ҳақиқий лаборатория майдони. Еримизнинг унумдорлигини ифодалайдиган мана бу гапни ҳамма эшитган: "Кузда далада қолиб кетган кетмоннинг дастаси баҳорда нав-ниҳол кўчатга айланади". Геологлар ҳам ерга урилган чўкич "жаранглаб" биронта маъдан, минералга урилишини айтадилар. Аммо геология фақат кон излашни бош мақсад қилиб қўймайди. Геология мукаммал, мураккаб фан. Индуктив, дедуктив метод асосида геологлар ер сайёрасини яхлит ҳолда ўрганадилар. Буюк, даҳо олимлар умумлашмалар асосида ўз кашфиётларини яратадилар. Жаҳон геологлари Ҳабиб Абдуллаев, Иброҳим Ҳамрабоев сингари буюк олимлар кашфиётини тан оладилар. "Эволюцион геология" тадқиқоти муаллифлари хаосдаги эгри чизиқлар ҳаракатидаги синергетика қонуниятини асос қилиб олганлар. Бу метод орқали улар конларнинг номеъёрий қонуниятлар асосида пайдо бўлишини исботладилар. Номеъёрий қонуниятлар фанга кенг миқёсда ёндашув, глобаллашувнинг мусбат натижаларини ҳисобга олиш натижасида пайдо бўлади.

Т.Долимов, В.Троицкий тадқиқотларида кўптизимлилик (системали талқин, таҳлил, қиёсий, типологик ёндашув) методи кўзга ташланади. Геология фанида структурали ёндашув ҳам эътиборли ҳисобланади. Қисқаси, ҳозирги илғор геология фани янги метод, ёндашув, талқин йўсинларини асос қилиб олсагина илгари силжиши мумкин. "Эволюцион геология"да жаҳон геологиясидаги янгиликлар зарра-ма-зарра ўрганилган ва амалиётда қўлланилган. "Эволюцион геология" — фанга юксак илмий-назарий нуқтаи назардан қарашнинг самараси. У Долимов ва В.Троицкий илғор геология фанининг дарғаларидан эканлигини кўрсатувчи далил. Ҳозирги геологларнинг бузрукларидан бири, Россия ва Европа фанлари академиясининг аъзоси, Москва Давлат университети профессори, салкам юз ёшли Виктор Ефимович Хаин "Эволюцион геология" асари ҳақида ёзади: "Менинг фикримча, муаллифлар жуда долзарб ва фойдали ишни бажарганлар, чунки дунё геологик адабиётида бу турдаги китоб ҳали яратилган эмас".

Тўрабек Долимов ва Валерий Троицкийнинг "Эволюцион геология" тадқиқоти, ҳеч муболағасиз, эътирофга моликдир!

**Абдуғафур РАСУЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**фан арбоби**

# ИМКОНИЯТ ВА МАСЪУЛИЯТ

Бошланиши биринчи бетда.

Ёш адиблардан Фазу Шержонова, Кумар Бекниёзовалар адабиёт соҳасида Зулфия давлат мукофоти билан тақдирланган бўлса, Омонгул Турдимуродова, Гулнора Нуримбетова, Гулойим Ойимбетова, Мадина Қутлимуратовалар «Келажак овози» танлови ғолиблари бўлишди. Беш ёш ёзувчимиз Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий адабиёт курсида таълим олишди.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» муносабати билан қорақалпоқ адибларининг олис овуллар, чорва ўтарларига ижодий сафарлари уюштирилмоқда. Бу ижодий сафарлар маҳсули бўлмиш асарларнинг матбуот, радио-телевидение орқали эълон қилиниши халқимиз маънавиятини бойитишга хизмат қилмоқда.

Таниқли бошқирд шоири Мустай Карим юртимизда бўлган чоғи: «Бу дунёда эрталаб юз-қўлини ювишга эринадиган одамлар анча, лекин меҳнаткаш қорақалпоқ халқининг экинзорини йилига икки марта ювиб-чайганига таҳсин айтмай илож йўқ», деган эди. Орол дардига сувсизлик муаммоси ҳам қўшилиб, эрта баҳор деҳқонларимизни анча эсанкиратган эди. Бугун дарёмизга сув келиб, қишлоқ аҳли сал кечроқ бўлса ҳам ерга ҳосил уруғини экиб улгурди. Адибларимиз овуллар ҳаётининг бадиий ифодасини яратишда деҳқон ва чорвадорларимизнинг машаққатли, қаҳрамонона меҳнатига алоҳида урғу беришмоқда.

Бу йил уюшмамиз режаларида «Бердақ ўқишлари», Кунхўжанинг 210 йиллиги, Ажиниёзнинг 185 йиллиги, Сейфулғабит Мажитовнинг 140 йиллиги, М.Дарибаев, А.Матёқубовларнинг юз йиллик ва шунингдек, уюшма аъзоларининг юбилейларини ўтказиш тадбирлари бор.

Швециялик журналист Штефан Линдгрен қорақалпоқ овулларини кезиб юриб, бундай деганди:

— Сизнинг халқингизга ҳайронман. Бу ёқда Орол қуриб кетаяпти, у ёқда сув танқислиги, овулингизда эса, ҳар куни тўй. Буни қандай тушунса бўлади?

— Аллоҳ таоло ҳар кимга насибасини кенг қилиб ҳам, кам қилиб ҳам бермас экан. Демак, ўз насибасига кўнгли тўқ халқ — қайтмас оптимист ҳисобланса, қорақалпоқлар худди ўшанинг ўзгинаси, — дегандим унга жавобан.

Албатта, бу қорақалпоқ адабиёти барча муаммолардан фориғ деганини англатмайди. Ёзувчиларнинг қалам ҳақи, китоб нашри, ижтимоий шарт-шароитларини яхшилаш бўйича муаммоларимиз йўқ эмас. Қорақалпоқ болалар адабиётининг ягона нашри — «Жеткиншек» газетаси давлат бюджетидан молиялаштирилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Қорақалпоқ адиблари истиқлол берган имкониятларни чуқур англаб, муҳтарам Юртбошимизнинг биз ижодкорларга кўрсатаётган ғамхўрлигидан илҳомланиб, давр ва халқ олдидаги бурчларини адо этиш учун ижодий ишга масъулият билан ёндошиши шубҳасиз. Чунки, адибнинг тарозисига тошни халқ қўяди.

**Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ,**
**Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси**
**раиси ўринбосари,**
**Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси**

Шодмонқул САЛОМ



# МАНГУ СОҒИНЧЛАР

## ШОИРЛАР

Шоирлар — шамолнинг авлодларидир,
Изтироб туфайли ерга боғланган.
Мангу соғинчларнинг қанотларидир,
Ҳеч ким куймас ўтда алар доғланган.

Шоирлар шамолнинг авлодларидир,
Кўл ушлашиб турган юлдузлар айтсин.
Қувончу ғуссанинг бегонаси йўқ —
Ғам бўлса ҳам майли, шу шамол қайтсин.

Шоирлар дунёга ўзлари эмас
Ошиқликни бошлаб келаётирлар.
Улар яшаган йўқ дунёда асли,
Ўнг келмас тушларни кўраётирлар.

Шоирлар дунёнинг бедор юраги,
Дунё — эски нарса, тураверади.
Шамол ва соғинчлар бор экан ҳали,
Дунёнинг юраги ураверади.

## ДАРС

Йўқ, бу ёшда севиш мумкинмас,
Йўқ, бу ёшда изтироб хавфли.
Бироз қотсин дийдаларингиз,
Куйдиради ҳозир ишқ тафти.

О... бу ёшда севги беҳуда,
Ўчиб қолмиш дилларнинг чўғи.
Эрмакталаб бўлсангиз жуда,
Ана, очиқ ёлғонлар боғи.

## ДЎМБИРА

*Ҳосила Раҳимовага*

Дўмбира — жонимнинг томири,
Отамсан, оғамсан, эгачим.
Кўнглимни кулдириб, йиғлатиб,
Кўнглимни онамдай билгичим.

Дўмбира — момолар соғинчи,
Ғамига эш бўлган тилимсан.
Дўмбира — Барчиннинг севинчи,
Алпомиш қайтгувчи йўлимсан.

Дўмбира, бир қулоч қув ёғоч,
Бири кам дунёни тўлдирдинг.
Танимга руҳимни муҳрлаб
Сўнг яна қайтадан ўлдирдинг.

Дўмбира, тилимни қонатиб,
Кўзимни қавартган йўлимсан.
Дўмбира, бешигим тебратиб,
Тобутим ушлаган қўлимсан.

Дўмбира, қўш торинг қўшилса,
Жонимнинг хирожин олгайдир.
Оламга қўшиқдай сочилган
Қўнғирот йиғилиб келгайдир.

Дўмбира — юрагим наққоши,
Бир жонни минг чоҳга ташлайсан,
Қувончу ғамингни жамласам,
Дўмбира, Ватанга ўхшайсан.

Ҳув бадар карвонлар қайтгандай,
Юракнинг дардлари кетгандай,
Қўш торинг қўшилиб айтгандай:
Дўмбира, Ватанга ўхшайсан.

...Дўмбира — кўнглимнинг ҳовури,
Дўмбира — руҳимнинг шовури,
Дўмбира — боболар қўлида
Номуси юкининг оғири.

* * *

Оралайди овулга лазгин,
Жингалаксоч, оқмўйлов, дароз.
Сафланади синиқ чойнаклар,
Чегаланган челак, янги соз.

Ўтиб кетар овулдан лазгин,
Арзон-қиммат ҳақин олади.
У кетади, ортидан ҳайрон
Болалигим қараб қолади.

Йиллар ўтар лазгин мисоли,
Бири синиқ, бириси бутун.
Йигитликнинг етар висоли,
Кўзларидан сачратиб учқун.

Шунда сувга келади севги,
Хино боғлаб билакларига.
Юрагимни солиб кетар у
Чегаланган челакларига.

Ғилофи йўқ тиғдай ялтираб,
Тун оралар ошиқ ҳисларим.
Қурбонликни севармиш севги —
Таскин берар менга дўстларим.

Овутмоқчи, йўқ совутмоқчи,
Муросага кўнмайди юрак.
Юракни қўлга ўргатмоқчи,
Менга эса ҳаётим керак.

Ранги ўчган эски кўйлакда
Йиллар йўлга бошлайверади.
Киприкларни алдармиш нигоҳ,
Ҳаёт беор яшайверади.

Кўникмаслик кўнмайди охир,
Осмон титраб, зириллайди ер.
Сўнг бошланиб кетди шу савдо:
Юрагимни чегалади шеър.

# *Ойдин кунлар қувончи*

## ВАТАН СЕВГИСИ

*Гуллардек хилма-хил севгилар ичра*
*Менда юрт севгиси ҳукмрон чоғи.*
*Бағрига ҳар қанча боқмай, начора,*
*Юрт васфидан қонмас*
*кўнглим чанқоғи,*
*Ватан эрки учун жондек тўлғонган*
*Илдизлардан унган*
*мен митти япроқ,*
*Кимлигимни сўзлар рўйи жаҳонга*
*Сўраганга мендан олдин шу тупроқ.*
*Кошки карвонимни*
*хушвақт кузатсам,*
*Пок сақлаб боболар шаъни, номини.*
*Авлодлар қўлига тўла узатсам,*
*Шу қуёш — эътиқод,*
*Вафо жомини.*

* * *

*Жимжит эди сойлар,*
*Жимжитдир осмон,*
*Баланд чўққиларда асрий сукунат.*
*Ҳаводан қулоққа чалинар аҳён*
*Бургут қанотидан эсган сас фақат.*
*Асрий музликларнинг кифтида офтоб*
*Чил-чил синиб, эриб кўзга сачрайди.*
*Сабо кўкатларни оҳиста силаб,*
*Арчаларнинг хушбўй атрин тарайди.*
*...Табиат куйлайди бир сирли ғазал,*
*Шунга дилим ташна азалдан-азал.*

## ОҚШОМ ХАЁЛЛАРИ

*Баргдаги томчидек сирғаниб кетди,*
*Осмон қулоғидан кенг даштга қуёш.*
*Сокин дил бағрини шамолдек тутди,*
*Беқарор хаёллар тўзиб, эй сирдош.*
*Йил — достоннинг бир кун —*
*бир саҳифаси,*
*Ўқилиб ёпилди.*
*Атрофга сергак —*
*Боқаман, уфрилиб оқшом нафаси,*
*Ҳис-ҳаяжон билан лим тўлди юрак.*
*Нималарни битдим ўтган кунимга,*
*Тўкин инъомидан нималар олдим?*
*Печакдек чирмашган фикру ўйимга,*
*Айри бир диловар*
*Хаёлга толдим.*
*Одатим бўйича кундалик ҳисоб,*
*Натижа, самари жонланиб дилда,*
*Хунобим ошади,*
*Мендан ҳам офтоб*
*Меҳрин аямаган.*
*Кун учмиш елда...*
*Ўзгамас, ўзимдан орттириб ҳасрат,*
*Ғайрат камарини белга боғлайман.*
*Қалб тўла ҳаяжон, кучу шижоат*
*Бирла мақсадларим*
*кўркин чоғлайман.*
*Омадим келса-ю, толега сирдош*
*Эрса, бўшамаса ғайрат камари.*
*Йиллар синовига бера олса дош,*
*Кунларнинг кўркида ишим самари...*
*Бесар ўтган онлар алам, дардидан*
*Чанг каби тўзийди атрофга уним.*
*Ҳа, ғафлат босибди,*
*Чархнинг гирдидан*
*Учиб қайларгадир кетди бир куним!*

## СЕВГИ

*Севги, сен дилрабо куймисан ёки,*
*Куйга басталанган беғубор туйғу.*
*Қайдан жарангладинг,*
*Виждоним ҳақи,*
*Дилга ҳамроз бўлди қувонч ва қайғу.*
*Баъзан шивирланар гумону шаъма,*
*Ишонч, эътиқодга қатор дарз солиб.*
*Қалин туман янглиғ ўтгач ваҳима,*
*Сўлим бир тонг отар хаёлинг олиб.*
*Тошқин ҳаяжонлар тўлқини узра*
*Учасан, сир-сеҳрин очади жаҳон.*

Ортиқжон ЖЎРАЕВ



*Баъзан ҳофиз бўлиб тортасан наъра,*
*Онлар жилвасидан*
*роҳатланар жон...*
*Севги, сен дилрабо куймисан ёки,*
*Куйга басталанган дилрабо туйғу.*
*Балки зиммамдаги келажак ҳақи,*
*Фақат бўлма дилда бемаврид қайғу.*

## Ҳикоя

Абу Али ал-Муҳассин ат-Танухий, араб ёзувчиси




Саховатпеша ва серзавқлиги билан машҳур бўлган Амир ар-Расибий ўз мулозимларига зиёфат бермоқда. Бир чеккада машшоқлар куйлаб турибди. Давра аҳли деярли гап-сўзсиз тановул ила машғул экан, улкан мис товоқ кўтарган хизматчи кирди. Товоқдан қуюқ буғ ва димоғни қитиқлагувчи хушбўй ҳид таралларди. Бу давранинг жонланишига сабаб бўлди.

Мис товоқ Амирнинг олдига қўйилди. У мийиғида кулимсираб, даврани бир қур кўздан ўтказди-да, кўп мақтал қилмай, рухсат маъносида бош ирғади. Қовурилган беданалар қўлма-қўл узатила кетди. Амир Расибийнинг ўзи ҳам бир беданани қўлига олди-да, давра этагида тамшаниб, оҳ-оҳлаб турган шоп мўйловга иткитди.

— Жобир, ушла!

Жобир ўзига аталган туҳфани мушукдай илиб оларкан, дарҳол тиззасида туриб, таъзим қилди.

— Қуллуқ Амир жаноблари!..

— Ош бўлсин, — деди Амир илжайиб. Кейин созандаларга юзланди. — Машшоқларнинг машқи пастроқми, дейман-а?!

— Шундай, шундай, — дея қувватлади давра.

— Уларга шаробдан қуйинг, ҳа, шундоқ бўлсин!.. Беданадан узатинг, мана, оҳ-оҳ жонивор-а!..

Машшоқлар мусиқа бошларкан, этакдан кимнингдир ҳиринглаб кулгани эшитилди. Ҳамманинг диққати ўша ёққа қаратилди. Кулаётган Жобир эди. Машшоқлар иккиланиброқ давом этишди.

Амир ар-Расибий Жобир тарафга нохушроқ қараб қўйди. Жобир пайқамади.

— Ҳм, Жобир, шайтонинг қўзидими, дейман! Кулгили гап бўлмади чоғи!..

— Узр, Амир жаноблари!.. Манови бедана кулгумни қистатди... — гапини тугатмай яна хохолаб кулиб юборди. Амирнинг қовоғи баттар уюлди. Машшоқлар куйлашдан тўхташди. Жимлик чўкди. Амир даврани совутмаслик учунми, ҳазиломуз деди.

— Шунча кулгили экан, бизни ҳам огоҳ эт. Биз ҳам кулайлик. А, нима дединглар?!

— Албатта, албатта! — деган пичингли хитоблар эшитилди.

— Амир жаноблари! — Жобир қўлидаги беданани таоми устига қўйиб, кўзачадан шароб хўплаб олди-да, давом этди:

— Бу воқеа босар-тусаримни билмай гуриллаб юрган пайтларим содир бўлган эди... Бир кун десангиз, овлоқ тоғ йўлидан кетаётсам, бир шўринг қурғур учраб қолди. "Тўхта-чи!" дея хўмрайган эдим, тўхтади. "Ҳамёнингни чиқар!" дедим, миқ этмасдан чиқариб берди. Қарасам, чўғи камроқ. "Яна борми?" десам, "Бори шу эди" дейди. "Эмасам, кийимларингни еч", дедим. Яна индамасдан ечинди. Бошқа иложи ҳам йўқ эди-да, қўлимда исфаҳоний ханжар ярқираб турибди... Хуллас, битта иштонда қолди. "Энди, бор, кет!" дедим. Кетди.

Ҳалиги кетиб боряпти-ю, юрагимга олов тушди. Э, дедим, нега миқ этмади, дод-вой қилмади!.. Демак, бир балоси бор. Ҳозир шерикларини топиб келади-да, менинг додимни беради. "Тўхта!" деб ҳайқирдим-да, орқасидан чопдим. Индамай кутиб турди шўринг қурғур. Лекин важоҳатимдан энди тамом бўлишини билдими, дағ-дағ титрашга тушди.

— Ҳамёнимни олдинг, кийимларимни олдинг, яна менда нима қасдинг бор?! Мени қўй энди, йўлимга кетай, — дея ёлвора бошлади.

— Мени сендамас, сени менда қасдинг бўлиши мумкин, сени ўлдираман, дедим. Тўғриси ҳам шу-да, айтиб бўладими!.. Кейин нима бўлди, денг, ҳалиги бечора атрофга аланглай бошлади, қаники бирор зот кўринса-ю, уни чангалимдан қутқариб олса. — Жобир қиқирлаб кулди. — Бир пайт денг, ҳов ўнгирда юрган беданага кўзи тушиб қолди бечоранинг. Ўшанга қараб бақира кетса бўладими!

— Ҳой, бедана, кўриб қўй, мени бегуноҳ ўлдиришяпти. Оллоҳ олдида сен гувоҳ бўлгин!

Мен бўлсам кула-кула уни чавақлаб ташладим-да, йўлимда кетавердим.

Жобир сўзидан тўхтаб, ютоқиб шароб симирди. Бу пайтда Амир Расибий қаршисида турган беданага тикилган кўйи оғир хаёлга ботган, бундан давранинг нафаси ичига тушиб кетган эди. Фақат лақма Жобиргина вазият қалтислигини фаҳмламай, лақиллашда давом этди.

— Ишонсангиз, Амир жаноблари, қачонлар эсимдан чиқиб кетган эди бу гап. Ҳозир манавини кўришим билан лоп этиб эсимга тушди-да, кулиб юбордим. Ростданам кулгиси қистайди-да одамни, шундай эмасми, Амир жаноблари?! Ҳеч бир замонда тилсиз бедана ҳам гувоҳлик бера олармиди!

Амир бошини кўтариб, унга қаҳрли нигоҳини қадади.

— Гувоҳлик бериб турибди-ку!..

Жобир Амирнинг авзойидан довдиради.

— Қўйсангиз-чи, Амир жаноблари, қанақа қилиб тилсиз, забонсиз жонивор...

— Аллақачон гувоҳлик бериб бўлди! Биз сенинг қароқчилигингни кечирган эдик. Лекин қотиллигингни Оллоҳ кечирмаган экан. Мана, мендек бир қули олдида сени ўз қотиллигингга иқрор қилди!

— Амир жаноблари, мени кечиринг, мен...

— Оллоҳ кечирмагандан кейин менинг иложим йўқ!.. Жаллод!..

Икки барзанги кириб ғоз турди.

— Буни олиб чиқиб, бошини танидан жудо қилинг!

Жобирни додлатиб олиб чиқиб кетдилар. Амир дастурхонга тикилганча жим қолди. Сукунат. Орадан бир-икки лаҳза кечгач, аллақаердан бедана сайроғи қулоғига чалингандай бўлди-да, чеҳраси хиёл ёришди...

**Орзиқул ЭРГАШ таржимаси**

## Журналларни варақлаганда

### "ЁШЛИК" 2009, 3-сон

Журналнинг ушбу сонига салмоқ бағишлаган асарлар орасида, аввало, таниқли шоирларимиз Жамол Камолнинг "Товушларга тўлиб кетганда кўнглим..." ва Йўлдош Эшбекнинг "Қуёш бош эгади байроғимнинг ойига...", деб номланган янги туркумларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу туркумлар ҳар иккала шоир ижодидаги ўзгариш-эврилишлардан, бугунги шеъриятимиздаги теран изланишлардан далолат бериб турибди. Истеъдодли ёш шоир Даврон Ражабнинг шеърлари ҳам кўнглингизга завқ улашиши тайин.



Наср ихлосмандлари ёш ёзувчиларнинг ҳикояларидан баҳраманд бўладилар. Баҳодир Абдураззоқ, Дилмурод Содиқов, Холиёр Сафаров ва Уйғун Рўзиевнинг ҳикоялари кўпчиликка манзур бўлишига шубҳа йўқ. "Аслиятдан таржима" рукнида берилган туркиялик адиб Умар Сайфиддиннинг "Бадал" номли ҳикоясини Давронбек Тожиалиев таржима қилган.

Шунингдек, журналнинг ушбу сонида "Биринчи учрашув", "Нуқтаи назар", "Мулоҳаза", "Ёшлар овози" рукнларида ҳам ёшларнинг бир қатор бадиий, публицистик асарлар эълон қилинган. Адабиётшунос Абдулла Улуғов "Ҳаётнинг ҳаққоний манзаралари" мақоласида ёзувчи Зулфия Қуролбой қизининг айрим ҳикояларига муносабат билдиради.

## Китобингизни ўқидим

### МУҲАММАДРИЗО ОГАҲИЙ




Ёзувчи ва драматург Комил Аваз узоқ йиллардан бери Муҳаммадризо Огаҳийнинг ҳаёти ва ижоди билан жиддий шуғулланиб келади. Унинг қаламига мансуб "Огаҳий", "Шоҳ бўлди ишқ ичинда" драмалари, "Латиф лутфу наволар" кўпқисмли видеофилми, "Мукошифот" китоби улуғ сўз санъаткори мухлисларига яхши таниш. Яқинда Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона нашриётида муаллифнинг навбатдаги тадқиқоти чоп этилди.

Янги тўпламда Огаҳий ҳаёти, хизмат фаолияти ва ижодига доир кўплаб қизиқарли маълумотлар келтирилади. Чунончи, 1809 йили қиёт қишлоғида таваллуд топган улуғ шоирни 1829 йили Оллоқулихон бош мироблик вазифасига тайинлайди ва у шу лавозимда 28 йил меҳнат қилади. Айни чоғда Астрободийнинг "Тарихи Нодирий", Зайниддин Восифийнинг "Бадоеъ ул-вақое", Воиз Кошифийнинг "Ахлоқи Муҳсиний", Ғиждувон ийнинг "Мифтоҳ ут-толибин", Муншийнинг "Тазкираи Муқимхоний", Саъдийнинг "Гулистон", Низомиддин ҳиравийнинг "Табақоти Акбаршоҳий", Абдураҳмон Жомийнинг "Юсуф ва Зулайҳо", Кайковуснинг "Қобуснома" ва бошқа бир қатор тарихий асарларни таржима қилади, ўзи ҳам бир неча асарлар ёзади.

Тўпламга Огаҳий ҳаёти ва ижодига доир Урганч Давлат университети доценти А. Аҳмедов тузган мухтасар солнома илова қилинган.

### АДАШГАНЛАР ҚИСМАТИ

Кейинги пайтларда нияти нопок кимсаларнинг алдовларига учиб, хорижий мамлакатларга бахт ва бойлик излаб йўл олаётган, у ерда сарсон-саргардон бўлиб, ўзини ҳам, оиласини ҳам бадном қилаётган айрим содда, енгилтак аёллар, уларнинг тузатиб бўлмас хатолари тўғрисида матбуотда кўп ёзилмоқда.




Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институти профессори Эркин Худойбергановнинг "Янги аср авлоди" нашриётида чоп этилган "Адашганлар қисмати" тўпламига кирган "Ўз ҳоҳишига биноан" ва "Кечирилмас жиноят" қиссалари ҳам шу мавзуда.

Гуруч курмаксиз бўлмайди деганларидек, таассуфки, орамизда шахсий бойлик орттириш йўлида ҳар қандай қабиҳликдан ҳам қайтмайдиган, ёш, ишонувчан қизларнинг ҳаётига зомин бўлаётган кимсалар ҳам учраб туради. Муаллиф ана шундай нопокликларни қаламга олар экан, бу йўлнинг нақадар аянчли эканлигини содда ва равон тилда тасвирлаб беради.

## Таржима — юксак санъат

# МУНОСИБ ТУҲФА

Таржима — маърифат қўнғироғи, дейди таниқли мутаржимлардан бири. Ростдан ҳам, таржиманинг маърифат тарқатиш борасидаги аҳамияти беқиёс. Таржима, аввалambор, турли тилда сўзлашувчи инсонларни, миллатларни, халқларни, мамлакатларни бир-бирига яқинлаштиришга, бир-биридан ўрганишга, бир-бири билан дўст ва ҳамкор бўлишига хизмат қилади.

Моҳир таржимон, адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуровнинг таъбири билан айтганда, таржима туфайли маълум бир халққа дахлдор маданият, маърифат, тарих ва илм-фан, сиёсат ва ижтимоий ҳаёт, адабиёт ва санъат, техника ҳодисалари бошқа тилларда сўзлашувчи халқлар учун ҳам таниш бўлади. Таржима натижасида бошқа тил ёки тилларда аслият билан тенг мазмун-моҳиятга эга бўлган матнлар юзага келади. Таржима орқали умуминсоний қадриятлар кенг ва чуқур томир отади, инсоният янги тараққиёт поғоналаридан дадил юксалиб боради. Таржима орқали халқлар ўртасида яхши ният, ақл-идрок, тинчлик, ўзаро тушуниш устувор бўлади.

Айниқса, мустақиллик йилларида таржиманинг аҳамияти янада ошди. Зеро, шу пайтгача ўзбек тилидан дунёнинг тилларига, шунингдек, хорижий тиллардан она тилимизга таржима қилиш жараёнлари, асосан, воситачи рус тили орқали амалга ошириб келинарди. Истиқлол эса, аслиятдан тўғридан-тўғри таржима жараёнлари учун ҳам сиёсий, ҳам ҳуқуқий, ҳам маънавий-маърифий, ҳам ташкилий асосларни яратиб берди.

Юртбошимизнинг бевосита раҳнамолигида 1997 йилда "Жаҳон адабиёти" журналига асос солингани ва ушбу даврий нашр саҳифаларида дунёнинг турли мамлакатлари ижодкорларининг қаламига мансуб адабий-бадиий, ижтимоий-публицистик асарларнинг ўзбек тилидаги таржимаси мунтазам чоп этилаётгани, хусусан, журналнинг биринчи бош муҳаррири, атоқли адабиётшунос ва моҳир таржимон Озод Шарафиддиновнинг ўзи чет эллик ёзувчиларнинг қирқдан ортиқ йирик роман ва қиссаларини она тилимизга ўгириб мухлислар эътиборига ҳавола этгани бу борадаги амалий қадамларга биргина мисол, холос.

Шу каби хайрли ва таъсирчан саъй-ҳаракатлар натижасида ўтган 17-18 йил мобайнида, бошқа барча жабҳалар қатори, бадиий таржимачилик, хусусан, аслиятдан бевосита таржима қилиш жараёнларида ҳам салмоқли ютуқларга эришилди. Ҳатто кейинги йилларда бу борадаги ютуқларимизнинг кўплигига ўрганиб, кўникиб ҳам қолгандекмиз. Шу боис, баъзан аслиятдан бевосита таржима билан боғлиқ ишларнинг айримлари адабий жамоатчилик назаридан четда қолаётгандек ҳам туюлади. Жумладан, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриётида 2007 йилда чоп этилган Йоҳанн Волфганг Гёте қаламига мансуб "Фауст" асарининг немисчадан Пошо Али Усмон таржимасидаги биринчи қисмини ана шундай ишлар қаторига қўшиш мумкин.

Албатта, Европа адабиёти тарихида Гомер ва Шекспирдан кейин алоҳида юксак ўрин тутадиган атоқли шоир ва мутафаккир Гётенинг асарлари ўзбек китобхонлари учун ҳам янгилик эмас. Жумладан, "Фауст" трагедияси — жаҳон адабиётининг нодир дурдоналаридан бўлиб, ушбу асарни XX асрнинг 70-йилларидаёқ Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таржимасида ўқиган эдик. Мана, янги юз йилликда ушбу асарнинг янги таржимаси билан учрашиб турибмиз.

"Фауст"нинг икки таржимасини илмий-бадиий қиёслаш билан боғлиқ теран тадқиқотларни соҳа мутахассисларидан кутиб, бу борадаги айрим жузъий мисолларга эътиборни қаратишни лозим топдик. Аввало, севимли шоиримиз Эркин Воҳидов ушбу мумтоз асарни таниқли рус шоири Б.Пастернакнинг немис тилидан рус тилига таржимаси асосида ўзбек тилига ўгирган бўлса, Пошо Али Усмон уни аслиятдан, яъни немисчадан она тилимизга таржима қилган.

Шунингдек, Гёте ўз асарида моҳирона талқин этган ва китобхонни ўйлашга, ёвузлик ва эзгуликни илғашга, идрок этишга ундайдиган таъсирчан воқеаларни, аслиятга хос ботиний фалсафа ва кўтаринки руҳни, воқеаларнинг шиддати ва фожеийлигини етказиб беришда Эркин Воҳидов таржимасида юксак бадиият ва шеърий равонлик устуворлик қилишини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айни вақтда, Пошо Али Усмон таржимаси, баъзи ўринларда поэзия қоидаларидан чекинишларга йўл қўйилганига қарамай, аслиятга сўзма-сўз яқинлиги ва илмийлиги билан ўзига хос аҳамият касб этишини ҳам эътироф этмаслик мумкин эмас.

Дунё адабиёти хазинасидан ўрин олган ва кейинги йилларда ўзбек тилига бевосита аслиятдан таржима қилинган яна бир шоҳ асар — "Янги аср авлоди" нашриёти томонидан 2006 йили чоп этилган Гётенинг "Ёш Вертернинг изтироблари" романининг иккинчи нашри бўлиб, уни таржимон Янглиш Эгамова ўзбек китобхонига тақдим этган.

Юракларни титратгувчи, ларзага солувчи ушбу роман севги ҳақидаги қўшиққа ўхшайди. Бу асар немис тилидан ўзбек тилига ўзининг ана шу оҳорини сақлаган ҳолда таржима қилиниб, илк бор 1975 йилда чоп этилган. Ҳар сатри севги билан лиммо-лим бўлган, изтиробдан яралган мактублар шаклида битилган бу асар ҳам ўқувчи кўнглининг тўридан жой олишига ишонамиз.

Юқорида тилга олинган ҳар икки асар таржимаси ҳақида фикр юритишимизга, аввало, уларнинг айнан аслиятдан таржима қилингани сабаб бўлди. Қолаверса, ушбу асарлар улкан меҳнат ва ижод самараси бўлиб, уларнинг таржимонлари вилоятларда яшаб фаолият юритаётгани, адабиётимиз равнақига қўшаётган катта хизматини, серзаҳмат меҳнатини маънавий қўллаб-қувватлаш бурчи бизни шунга даъват этди.

Фурсатдан фойдаланиб, таржимонлар тайёрлаш муаммоси ҳақида қисқача тўхталишни жоиз топдик. Нега деганда, аксарият тажрибали таржимонлар, таржимашунослар ва соҳанинг моҳир педагоглари эътироф этишича, таржиманинг сифати асосан таржимоннинг маданияти даражасига, маҳорати ва иқтидорига боғлиқ. Шундай экан, таржимонларни ўқитиш, ўргатиш жараёнида ана шу талабларга қатъий ёндашиш керак бўлади. Чунки нафақат жаҳон адабиёти намуналарини хорижий тиллардан бевосита ўзбек тилига, балки ўзбек ижодкорларининг сара асарларини она тилимиздан тўғридан-тўғри дунёнинг бошқа тилларига юқори сифат ва юксак савияда таржима қила олиш салоҳиятига эга етук таржимонларни тайёрлаш — бу борадаги долзарб, муҳим ва истиқболли вазифа бўлиб турибди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлашни истар эдикки, бу йил бутун дунёда буюк шоир ва мутафаккир Йоҳанн Волфганг Гёте таваллудининг 260 йиллиги нишонланмоқда. Шу маънода, таржимонларимиз тақдим этган бу адибнинг шоҳ асарлари таржималарини нафақат юртимиздаги адабиёт мухлисларига, балки улуғ шоирнинг тўйига ҳам муносиб туҳфа, деб баҳолаш айни муддаодир.

**Акмал САИДОВ, профессор**

## Қатра

# КЎНИКИШ

Янгалар кетишди. Келин бугун эрталаб ҳовлига ўзи танҳо чиқди. Ҳайҳотдай бегона ҳовлига синчковлик билан кўз югуртирди. Ўртасидан бир ариқ сув шовуллаб оқиб ётган ҳовли шу қадар кенг эдики, ҳайрон қолди. Этакда бостирма. Бостирма тагида тандир, тандир ёнида қўш ўчоқ.

Келин шуларни кўрди. У ҳадиксираб қайнона яшайдиган уйга ўғринча қараб қўйди. Бегонасираш ҳисси бутун вужудини чулғаб олди. Энди у шу ерда яшайди, шу ҳовлида бир умр кун кечиради, истаса ҳам, истамаса ҳам...

Хўрлиги келди. Хаёлида ўз уйи, туғилиб улғайган қадрдон ҳовлиси гавдаланди. Энди у ерга сўраб, жавоб беришса боради, "Ҳа деб уйингизга йўрғалайверманг, мана шу уй, ҳовли сизники", дейишса, хўп дейишдан бошқа иложи йўқ.

Уларнинг хонадони маҳалланинг файзи эди. Болалар бемалол ўйнашарди. Ҳовли ташқарисидаги кекса тутнинг соясидан ҳам, мевасидан ҳам ҳамма бирдай баҳраманд бўларди.

Тутнинг ёшини ҳеч ким билмасди. Саксон ёшли катта энаси ҳам сўраганида айтиб беролмаган. Балким узоқ ўтмишдаги боболари экишгандир...

Хаёлга берилиб, уйдан қайнонаси чиқиб келганини ҳам сезмай қолди. Сарви хола келинига кўзи тушаркан:

— Вой қизим-ей, мунча эрта турмасангиз, — деди. Кутилмаган гап бўлди. Тўй арафасида турмушга чиққан дугоналари: "Яна пишиллаб, куёв боланинг ёнида ётаверма, азонлаб туриш керак, ҳовлини супуриб-сидириш керак, келин бўлиш осонмас", дея ваҳима қилишган эди-да. Қайнонаси чеҳрасидаги илиқ табассумни кўриб, кўнгли ўрнига тушди ва уялинқираб деди:

— Ҳовлини супуриб қўяй девдим...

Қайнона келин раъйини қайтармади.

— Қизим, ҳали ёшсиз, ишга улгурасиз, бугунгидек жуда барвақт турманг, биз кексаларнинг йўриғи бошқа, — деб қўйди.

Қайнонанинг қизим деб гапириши келиннинг қалбига ҳарорат бахш этди. Ҳовлига меҳр билан кўз югуртириб, уни тоза қилиб супура кетди...

**Фарид УСМОН**



# АФСОНАВИЙ ҚЎШИҚЛАР ИЖРОЧИСИ

***Жаҳон саҳналарини ларзага келтирган Тамарахонимнинг ҳар бир чиқишидаги нозик ва нафис хатти-ҳаракатлар, таг заминида ориятли, иффатли, сулув ўзбек аёли образини гавдалантирувчи хонишлари орзиқиб кутган дилларни ўзига мафтун айларди. Озод ва эркин ҳаётга, мустақил ва обод юрт эгаси бўлишга чорлаб турарди.***



Ўзбек рақс санъати оламига жуда кўп иқтидорли қизларни етаклаб келган Тамарахоним йигирма олти ёшидаёқ халқ артисти унвонига сазовор бўлган. Унинг жозибали рақслари ширинзабон қўшиқлари оҳанги билан уйғунлашиб кетган тенгсиз хазинаси десак, хато бўлмас. Янги-янги миллий рақслар, олтин мерос сифатида бизгача етиб келган нодир қўшиқларни ўрганиш иштиёқи унга тинчлик бермасди. Айниқса, қадимий санъат ўчоқларидан бири ҳисобланган Хоразмда кечган тўрт йиллик ҳаёти жуда катта даврга татигулик ижод намунасини қолдиришида муҳим ўрин эгаллаган. Урганчдаги янги театрнинг очилишида ҳам унинг ҳиссаси бор.

Тамарахоним афсонавий Хоразм қўшиқлари ижрочиси, шоир ва устоз созчи Сафо Оллобергановга шогирд тушади. Дилтортар қўшиқлари билан оғизга тушган Сафо Муғанний 1882 йили Хиванинг Гандимён қишлоғида туғилган. Болалигидан етим қолиб, ўгай ота қўлида ўсган, очлик ва қашшоқликнинг аламларини татиган эди. У бойлар эшигида ишлаб, пода боқди. Ҳаётнинг ана шу чағир тошли сўқмоқларида гўзаллик билан ҳам учрашди. XX аср бошлари Хоразм санъати гуллаб-яшнаган, мақомчи, достончи, халфалар, дорбозлар, қизиқчи-масхарабозларга эътибор ошган давр эди. Хива хони Муҳаммад Раҳимхон иккинчи Феруз мақом санъатини ривожлантиришга фармон берган бир пайтда Ёш Сафо Оллоберганов ҳам Хоразм санъатининг энг билимдон алломаларидан таълим олиш мақсадида улар хизматида бўлади.

Хоразмлик кексалар бежизга Муғанний тахаллуси билан танилган Сафони, соз чалиш, қадимий наволарни, достон қўшиқларини, лапарлар, яллалар, "диралашув" ("Айтишув") қўшиқларини маромига етказиб куйлашда унинг олдига тушадигани йўқ, дея таърифлашмаган. Чунки санъатимиз маликаси Хоразмга келганида Сафо Муғанний нафақат Тошкент ва Хоразмда, балки Ўрта Осиёда ҳам танилган машҳур санъаткор эди. Тамарахоним ундан "Ганжи Қорабоғ", "Мавриги", "Панжарадин", "Санамо", "Лазги", "Рўмолим бор", "Олти халфа", "Қизил гул ўймоқ-ўймоқ", "Фабриканинг йўлида" каби қўшиқларни, шунингдек Хоразмда қадимдан яшаб келаётган эроний ҳофизларнинг "Ахтар мени", "Менинг излар кишим борми" га ўхшаш нолаларини, рамазон мадҳиясини ўрганади. Кейинчалик машҳур қайроқчи Раҳим Оллобергановдан "Бартавил", "Оразибон", "Норим-норим" қадимий Хоразм рақсларини, "Лазги"нинг жаҳонга номаълум энг қадимий тури услубларини ҳам пухта эгаллайди.

1985 йил ноябр ойида Тамарахонимнинг Хоразмдаги ҳаёти ва ижоди ҳақида эфирга тайёрланган бир кўрсатув баҳонаси суҳбатлашиб қолган эдик. Ўша пайтларда "Мусиқа жавони" тележурналини иқтидорли режиссёр Лариса Иноземцова суратга оларди. Унинг илтимосига кўра, "Бир қўшиқ тарихи" саҳифани тайёрлаб беришга тўғри келди. Бу Тамарахоним севиб ижро этган "Ганжи Қорабоғ" — Хоразмнинг машҳур халқ қўшиғи эди.

*Ганжи Қорабоғдан келдим қошингга*
*Сенга жоним қурбон*
*этмасам бўлмас...*
*Қўшармишсан бошинг менинг бошимга*
*Йўлингда жон фидо*
*этмасам бўлмас...*

Қўшиқнинг фонограммасини эшитдиму, ўйланиб қолдим. Қорабоғ Озарбойжон ўлкасида бўлса, қўшиқ қаҳрамони Қорабоғдан келиб Хоразм гўзалига ишқ изҳор қиляпти.

Бу навонинг халқ юрагида туғилиши олис даврларга бориб тақалади. Унинг тарихини ўрганиш учун ўша кезлари шуҳрат қозонган "Оразибон" ансамблининг кекса санъаткорлари ва бастакор Матниёз Юсупов билан суҳбатлашдим, тарихий манбаларни ўргандим. "Ганжи Қорабоғ"нинг яралиши Қорабоғ соҳибқирон Амир Темур салтанати таркибида бўлган даврларга бориб тақалар экан. Хоразмнинг олиму фузалолари, санъаткорлари, уста қурувчилари, наққош ва ҳунармандларига катта баҳо берган соҳибқирон Амир Темур ҳақида ўқиб, "Ганжи Қорабоғ" қўшиғи ўша замонда халқ дилида пайдо бўлганига ишонч ҳосил қилдим. Демак, қўшиқ қаҳрамони Қорабоғдан келган саркарда, нуён, шаҳзода...

"Ганжи Қорабоғ" қўшиғидаги ошиқ йигит ва маҳбуба образи тўғрисида Тамарахоним ва бастакор Мутаваккил Бурхоновга гапириб берганимда, улар қўшиқ тарихини маъқулладилар. Бир пайтлар Мутаваккил Бурхонов ҳам "Ганжи Қорабоғ"ни кўп овозли акапелла ижроси учун қайта ишлаб, халқаро анжуманларда совриндор бўлган.

Тарих ва тақдир



Ўша кўрсатув баҳонасида Тамарахоним устози Сафо Муғаннийдан жуда кўп қўшиқлар ўргангани, бироқ, ҳанузгача грампластинка ва магнит ленталарига ёзиб олинмаганидан афсусланишини айтди.

...1935 йил ёзида хонанда Қори Ёқубов Тамарахонимни Тошкентга чақириб олади. Уста Олим Комилов, Тўхтасин Жалилов, Абдуқодир Исмоиловлар билан бирга Лондонга — халқаро санъат фестивалига юборилади. У ерда Тамарахоним ўзбек миллий рақс ва қўшиқлари билан бир қаторда Хоразмнинг жаҳонга ҳали номаълум ўзига хос қадимий санъатини намойиш этади ва Уста Олим Комилов иккалалари жаҳон фестивалининг олтин медалига сазовор бўладилар.

Орадан кўп ўтмай шўролар ҳукумати шоир ва созанда Сафо Муғаннийдек устоз санъаткорни маҳв этишига киришади. Тез орада Сафо Муғанний ҳибсга олинади. Унинг Файзулла Хўжаев ва Акмал Икромовларга атаб айтган қўшиқлари бошига бало тошларини ёғдиради. Хоразм санъат осмонида порлаб турган жуда кўп иқтидор эгалари қатори унинг ҳам толе юлдузи сўнади...

Жаҳон саҳналарида Сафо Муғанний ўргатган қўшиқларни айтиб, олқишлар олган Тамарахоним бирор марта ҳам устозининг номини айта олмай армон билан кетди.

Тамарахоним музейи директори, латофатли рақкоса Гулсум Ҳамроева хонанданинг ҳаёти ва ижодида ҳеч қачон ва ҳеч қаерда айтилмаган — Хоразмдаги иш фаолиятини акс эттирувчи ҳужжатларни ахтариб топди ва уни алоҳида лавҳаларга жойлаштирмоқда.

Тамарахонимнинг ҳар бир қўшиғи оҳангларида бир тарих яширин. Унда ўзбек аёлининг оташин муҳаббати, покиза ва сулув чеҳраси, мустақилликнинг бугунги озод ва бахтиёр кунларига етиб кела олмаган истеъдод эгаларининг орзу-армонлари мужассамдир.

**Анбара ОТАМУРОДОВА**

# ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ

Ўзбекистон давлат санъат институтида битирувчи курсларнинг тўрт йил давомида актёрлик, режиссёрлик, кинотелеоператорлик маҳорати, овоз режиссёрлиги, драматургия ва сценарийнавислик соҳаларида олган билимларини мутахассислар ва томошабинлар олдида намойиш қилиш имкониятини берувчи «Талаба-ёшлар ижодиёти» фестивали бўлиб ўтди.

4-курс мусиқали драма бўлими талабалари Шекспирнинг «Ромео ва Жульетта» фожеаси, машҳур озарбойжон классиги Узеир Ҳожибековнинг «Аршин мол олон» мусиқали комедияси, Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи асосида тайёрланган спектаклни (курс бадиий раҳбари, доцент Улуғбек Зуфаров) намойиш этдилар. Ўзбекистон миллий академик драма театри бош режиссёри Валижон Умаровнинг шогирдлари — 4-курс драма ва кино актёри бўлими талабалари Н.В.Гогол таваллудининг икки юз йиллигига бағишлаб унинг «Ревизор» комедиясини саҳнага қўйдилар.

Доцент Маҳмуд Рашидов раҳбарлигидаги 4-курс эстрада актёрлик санъати бўлими талабалари ижросидаги Ҳамзанинг «Ким тўғри-1» ва «Ким тўғри-2» томошалари санъат мухлисларига оламолам завқ бағишлади. Ҳамза комедияларининг ҳаётийлиги, саҳнавийлиги, томошавийлиги, бўлажак эстрада актёрларида бадиҳагўйликка кенг йўл очиши, драматургик материалнинг бойлигини ҳисобга олиб, курс талабаларининг барчасига кенг имконият бериш мақсадида «Ким тўғри» асари икки таркибда ижро этилди.

Фестивалнинг қамрови кенг, репертуар географияси бой ва хилма-хил бўлди. Бўлажак қўғирчоқ театри актёрлари С.Маршакнинг драматург Жўра Маҳмуд таржимаси асосида режиссёр Шомурод Юсупов саҳналаштирган «Мушик хола кошонаси» спектакли орқали ўз маҳоратларини намойиш этдилар. 23-24 июн кунлари техноген санъати факултети талабаларининг филмлари кўрсатилди.

Талаба-ёшлар фестивалининг сўнгги кунида вилоят ва пойтахт театрларидан таклиф қилинган мутахассислар, театр раҳбарлари ва режиссёрлари атоқли ёзувчи Тоғай Муроднинг «Ойдинда юрган одамлар» қиссаси асосида ёш педагог Рашид Уснатов саҳналаштирган мусиқали драмани (бастакор Баҳрулло Лутфуллаев, инсценировка муаллифи 4-курс талабаси Райҳон Сайлиева, курс бадиий раҳбари Боир Холмирзаев) томоша қилдилар. Шунингдек, 4-курс эстрада актёри бўлими битирувчиларининг «Умид юлдузлари» деб номланган мустақил ишлари ҳам фестивал дастуридан ўрин олди.

Фестивал якунида ҳакамлар ҳайъати ўн учта номинация бўйича ғолибларни аниқлади. Улар орасида Нафиса Фармонова, Оқила Ғуломова, Райҳон Сайлиева, Расулхон Қодирхонов, Алишер Муқимов, Абдуқодир Тожиев энг яхши аёл ва эркак роллари ижроси учун, Дилшод Латифхўжаев, Полина Шумилова энг яхши режиссёрлик иши учун тақдирландилар.

"Ҳаёт ҳукми" (реж.А.Ғаниев, оператор З.Иноҳжонов) энг яхши филм деб эътироф этилди. Ҳ.Бобоқулов энг яхши филм сценарийси ("Бахт излаб"), Дилмурод Абдуҳамид ўғли энг яхши операторлик иши ("Бўзсув") учун мукофотга сазовор бўлдилар. Шунингдек, Ж.Иброҳимов, Д.Ризаев, М.Дошанова, Г.Холматова, Н.Орипов, Ф.Тўраев, Б.Ёқубов, Ҳ.Ниёзова турли номинациялар бўйича ғолиб бўлдилар.

Бир гуруҳ талабаларга ҳакамлар ҳайъатининг махсус мукофотлари топширилди. Тадбирнинг ёпилиш маросими магистрларнинг магистрлик либосини кийиши тантаналарига уланиб кетди.

**Феруза ҚУРБОНОВА**

# УЛУҒ РАССОМ ҲАҚИДА РОМАН

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазма залида ёзувчи Нодир Норматовнинг «Рўзи Чориевнинг сўнгги васияти» роман-эссеси тақдимоти бўлиб ўтди. Таниқли рассомлар, композиторлар, хонандалар, ёзувчилар, шоирлар, журналистлар, режиссёрлар, актёрлар, талабалар иштирок этган ушбу тадбир ўзига хос байрамга айланди.

«Бу китобни ёзиш Нодир Норматовнинг бурчи эди, — деди «Тафаккур» журнали бош муҳаррири, таниқли адиб Эркин Аъзамов. — Рўзи Чориев худди шундай ажойиб асарга қаҳрамон бўлишга арзийдиган инсон эди. Нодир бу рассомни яқиндан биларди. Ушбу асари ёзувчи дўстимнинг улуғ рассомга чин эҳтироми рамзи бўлибди".

Бу асар улуғ рассомнинг уқубатли болалиги, машаққатларга тўла ҳаёт йўли тўғрисида кенг тасаввур беради. Унда Рўзи Чориевнинг санъат оламига кириб келиши, бу сирли-сеҳрли дунёга бир умр мафтун бўлиб яшагани мароқ билан нақл қилинади. Ёзувчи рассомнинг яшаш тарзи, инсон ҳаёти ва санъат тўғрисидаги мулоҳазалари билан яқиндан танишиш асносида унинг «Санъатни севиш, унда из қолдириш учун аввало бутун коинотни ва албатта, одамларни яхши кўриш керак. Чунки ҳар қандай санъат бутун олам билан чамбарчас боғлиқ», деган сўзларини беихтиёр қалбига сингдиради.



Таниқли композитор Рустам Абдуллаев Р.Чориев рассом бўлмаганида, албатта, машҳур опера хонандаси бўлиши мумкинлигини таъкидлади. Кинорежиссёр Собир Назармуҳамедов рассом вафот этганидан кейин у ҳақда ҳужжатли фильм яратгани, ўша жараёнда мусаввир элнинг чинакам ардоқли фарзандига айланганига гувоҳ бўлгани ҳақида сўзлади. Ўзбекистон халқ рассоми Владимир Бурмакин мусаввир оламга бола каби беғубор нигоҳ билан қараб, яшаб ўтганини таъкидлади.

Тасвирий санъат тарихи ва назариясига оид тадқиқотларни, рассом яшаган давр матбуоти материалларини ва ижодкорнинг архивини синчиклаб ўрганиб, катта ижодий меҳнат натижасида яратилган ушбу роман-эссе Рўзи Чориевнинг ҳаёт йўли орқали ўқувчиларни тасвирий санъатнинг ўзига хос сирли олами билан яқиндан таништиради.

**Абдували УЛУҒОВ**

# ТАЛАБАЛАРГА ҚЎЛЛАНМА

Мамлакатимизда тасвирий санъат йўналишидаги лицей, касб-ҳунар коллежларини турли оригинал дастурлар, ўқув қўлланма ва дарсликлари билан таъминлашга жиддий эътибор берилмоқда. Янги ўзбек имлосида қаламтасвир, рангтасвир, композицияга, тасвирий санъат технологиясига оид китоблар чоп этилмоқда. Бундай ўқув адабиётларини яратишда педагогика олий ўқув юртларининг юқори малакали устоз-мусаввирларининг ҳам ҳиссалари бор.



Педагогика фанлари номзоди Ўринбой Нуртоевнинг яқинда чоп этилган "Рангшунослик асослари" ўқув қўлланмаси ҳам касб-ҳунар коллежлари талабаларига таълим беришда қўл келмоқда. Ўқув қўлланма мутахассислик бўйича ўқувчиларга табиатдаги рангларнинг ҳосил бўлиши ва тарқалиши, бўёқларни аралаштириб тайёрлаш ҳамда улардан унумли фойдаланиш йўлларини ўргатади. Шунингдек, унда талаба — шогирдларга қўйиладиган замонавий талаблар, ўз билимларини мустақил ошириш йўллари ҳақида ҳам батафсил сўз юритилган. Махсус касб-ҳунар коллежлари дастурлари ва давлат ўлчови талабларидан келиб чиққан ҳолда энг зарур мавзулар қамраб олинган. Китоб бобларга ажратилган бўлиб, "Рангшуносликка оид иш қуроллари ва жиҳозлари", "Рангшуносликнинг назарий асослари", "Ранг турлари" сарлавҳалари остида берилган.

Маълумки, тасвирий санъат таълимини олаётган талабалар ҳар бир нарсанинг кўринишини ҳаққоний, аслидагидек тасвирлашга интиладилар. Бунда уларнинг ранг хусусиятларини нақадар ўрганганликлари жуда аҳамиятлидир. Китобдаги "Асосий ва қўшимча ранглар", "Ахроматик ва хроматик ранглар", "Ёруғликнинг рангларга таъсири", "Ранг (ҳаво)перспективаси", "Ранглар номи ва бўёқлар ҳақида" каби сарлавҳалар остида берилган маълумотлар ёш рассом, наққош, дизайнерлар билимини оширишга хизмат қилади.

Низомий номидаги педагогика университети "Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси" кафедраси доценти Ўринбой Нуртоевнинг бир неча йиллик меҳнати самараси бўлган "Рангшунослик асослари" китоби талаба ёшларнинг доимий ҳамроҳига айланади, деб ўйлаймиз.

**Равшан РАЖАБОВ,**
**Баҳром ТОЖИЕВ**

# ЎЗИНГНИ ЕНГА ОЛМАСЛИК БАХТИ

***Баъзи ҳамкасбларим кинорежиссёр Аюб Шаҳобиддиновдан бироз ранжишганидан хабардорман. "Телба" картинаси "Йилнинг энг яхши филми" деб эътироф этилганида у журналистларга интервью беришни хоҳламаган. Бунинг сабабини ҳар ким ҳар хил изоҳлагани ҳам бор гап. Кимдир режиссёр камтарлик қилган бўлиши мумкин деса, бошқа кимдир "Телба"нинг нимаси зўр, ғолибликка бошқа филмлар ҳам йўқ эмас эди, балким хижолат тортаётгандир", дегандай бўлди. Мен эса таваккал хулоса чиқармадим, вақт топиб Шаҳобиддиновга қўнғироқ қилдим. "Суҳбат дейсизми, айни дамда жиддийроқ бир иш қилаётганим йўқ-ку, ноқулай бўлмасмикин?" — деди у. Бўлмайди дедим. Суҳбатлашдик.***

***"Қор қўйнида лола" филми Аюб Шаҳобиддиновга ўзбек кино санъатига йўлланма берди. "Кўргулик"да мустақил режиссёр сифатида бўй-бастини кўрсатди. Турли мунозаралар уйғотган "Севинч" ва "Телба" филмлари ёшлар билан тил топиша оладиган, бугунги томошабин эҳтиёжини нозик илғайдиган киноижодкор пайдо бўлганлигидан хабар берди. "Ўтов" миллий киносанъатимиз қиёфасини белгиловчи асарлардан бири сифатида эътироф этилди.***



**—Аюб ака, нега аксарият санъат асарларининг хотимаси изтиробга бориб тақалади? Бу ҳаёт ҳақиқатими ёки кино санъатининг ўзига хос хусусиятими? Эҳтимол бу — томошабин кўнглини топишнинг бир усулидир?..**

— Саволнинг ўзида жавоб бор. Балки дунёнинг хулосаси шудир. Ички изтироб билан яшаб ўтиш ижод одамлари учун табиий бир ҳол. Ахиллеснинг ожиз жойи унинг товони бўлганидек, санъаткорнинг жароҳати — ёмонлик билан муроса қилолмаслигида.

Шекспир трагедияларини ҳозир экранлаштирсангиз жангари филмни кўргандек томоша қилишади. Мақсадни ифодалаш учун фожеа кенг қамраб олинган. Одамда ҳиссиёт уйғотиб, фикр ўзгариши учун айнан шу зарба керак бўлганга ўхшайди. Бу ҳам бир босқич. Бугун одамларни Эдип фожеаси билан ларзага келтиролмайсиз. Сабаби газеталар, интернет, телевидение кунора бундан-да даҳшатли фожиалардан хабардор қилиб турищибди. Изтиробсиз кино кўнгилочар бир жўн томошага айланиб қолади.

**— Андрон Кончаловский "Мен санъатда одоб-ахлоқ деган маънодаги қандайдир қонун-қоидаларни яхши тушунмайман. Фақат бир нарса бор: одам деган тилсимни аёвсиз очиб ташлаш керак", дейди. Ҳозир ғарб киносанъатида "Инсонни қандай бўлса, шундайлигича қабул қилиш керак, чунки у ўз хоҳишлари қаршисида эркиндир", деган қараш бор...**

— Сиз назарда тутаётган эркинлик, асосан, ҳужжатли кинога хос. Воқеалар, ҳаётий фактларнинг ўзи маълум маънода ижодкор "эрк"ини таъминлайди. Ҳужжатли филмларнинг ўз аудиторияси бор. Бадиий филмларда эса ўз-ўзидан эстетик тушунчаларга таянасан. Инсонни фош этиш мақсадида, унинг заифликларини гавдалантирган филмлар нари борса 5-10 йил умр кечирар, оқибатда одамлар бу кўзгудан ҳам чарчайди. Эркинлик кенг маънода чеки йўқ телбаликдир. Санъат асари ҳаётни айнан кўчириб, банданинг қилмишларидан нусха олиш дегани эмас. Ноинсоний даҳшатли ҳис ёрдамида томошабинга таъсир қилиш, яъни аёвсиз натурализмга ружу қўйиш ҳам кўнгилни бездиради. Ўзинг билмаган ҳолда одамларга ёвузлик учун имкон яратиб беришинг мумкин.

**— Ҳаётдаги эркинлик-чи?**

— Хоҳлайсанми-йўқми, мақсадинг одамлар манфаати билан боғланиб кетган муҳитда буткул эркинликка эришолмайсан. Буни тўлалигича сақлаб қолиш ниҳоятда қийин. Бунинг учун таркидунё қилишинг керак. Фақат ўзингга ҳамфикр инсонлар билан суҳбатлашганингда, яхши бир кино кўриб, мусиқа тинглаганингда ёки бадиий асар мутолаасидагина эркинликка бўлган руҳий эҳтиёжингни қисман қондиришинг мумкин. Оила қаршисидаги масъулият ҳам қайсидир маънода эркингни чеклайди. Турмуш икир-чикирларидан узоқроқ юргинг келади. Санъат одамига ёлғизлик керак. Ҳаётнинг дуч келган давраларига қоришиб кетавериш у учун фазилат эмас.

**— Адабиётшунос олим Раҳмон Қўчқор бир даврада айтиб қолдилар: "Телба" филми ҳақида кўп баҳс бўлди. Ҳисоб-китоблар асосида қурилган кўзбўямачиликдан иборат муносабатларга нисбатан персонажларнинг ички исёни қаршисида филмдаги камчиликлар у қадар аҳамиятга эга эмас. Ундаги ўзбекона тарбия нозиклик билан кўрсатилган биргина эпизоднинг ўзи филмнинг катта экранга чиқишига маънавий ҳаққи борлигини исботлайди: қиз билан йигит томга чиқишлари керак. Олдин Рустам нарвон пиллапояларига қадам қўяди. Европалашган оилада улғайган Робия буни тушунмайди-да, "Бу қанақаси бўлди, қиз болага хурмат шуми!", дея бидир-бидир қилиб юқорига кўтарилиб кетади. То қиз томга чиққунча йигит ердан кўзини узмайди".**

— Персонажга дўппи, узун кўйлак кийдириб қўйиш билангина ундан ўзбек ясай олмайсан. Миллийликни катта ҳарфлар билан ёзиладиган, кўзга ялт этиб ташланадиган шиор деб қарамаслик керак. "Телба"да миллийликни кўрсатаман деб атайлаб урғу берилмаган. Суратга олиш жараёнида табиий кечган. Қолаверса, қаҳрамонимнинг табиати ҳам бошқача йўл тутолмасди. Чунки шарқона тарбия бу таъқибга йўл қўймайди. Маданиятлиликни қойиллатадиган ғарб учун бу — оддий бир ҳол. Миллийлик тушунчасини кўз билан кўриб, қўл билан ушланадиган "буюм" даражасига айлантирмаслик шарт. Бундай жўн муносабат миллат ҳақида яхлит фикр эмас, аксинча, чучмал таассурот уйғотади. Агар филм соф замонавий руҳ билан суғорилган ноанъанавий йўлда суратга олинган бўлса-да, ундаги бир-иккита персонаж ўзбекнинг муаммоси билан ўртанса, шунинг ўзи санъаткорнинг миллатдошлари олдидаги самимий хизмати. Миллат тушунчаси асосан ўзининг бутун салмоғи билан қаҳрамонларнинг дардида акс этади. Ва бу дард бошқа миллатларга ҳам тушунарли бўлиши шарт. Шу маънода Эркин Аъзам сценарийларидаги ҳаётнинг тириклиги ва дард самимияти юрагимга яқин. Қолаверса, миллий характер айни шу миллатга хос камчиликларда ҳам очилади. Қайсики жамиятнинг санъаткорлари реал муҳит ҳақида ўз ҳукмини айта олса, ўша мамлакат кучлидир. Тараққиёт ўзини таҳлил қила олишдан бошланади. Мисол учун, рус жамиятидаги маданий силжиш билан Чеховнинг аччиқ кесатиғи ўртасида узвийлик бор, деб ўйлайман.

**— Интеллект актёрга ёрдам берадими ёки аксинчами?**

— Актёр, ҳар ҳолда, заковатли бўлгани яхши. Режиссёр мустақил фикрлаш лаёқатига эга, дунёқараши кенг актёр билан қониқиш ҳосил қилиб ишлайди, талашадитортишади, алал-оқибат образни олдиндан тиниқ-равшан кўра олади. Афсуски, бизда тафаккури баланд актёрлар кам. Режиссурада бўлса қатъий бир қонун йўқ, бўлсаям ҳаддан ташқари кўп... Зарурат туғилса, тасодифий одамни олиб, керак талқинни қойилмақом қилиб чиқаришингиз мумкин. Режиссёр савияли бўлса бас. Масалан, ҳозир Миллий театрда шаддод, чўрткесар ўзбек аёлларини ролини ижро этадиган уч-тўрт актриса бор. Филмдан-филмга, спектаклдан спектаклга кўчиб юришади. Биз уларнинг ижро техникасини узил-кесил биламиз. Кимлардир айнан ўша шаддод аёлни қийинчилик билан яратиши мумкин, лекин интеллектуал даражада етказиб беради. Бундай актрисалар сафига биринчилардан бўлиб Зулхумор Мўминовани киритаман... "Сув ёқалаб" филмида у ҳақиқий ўзбек аёлини ижро этади. Отасининг "қиз бола палахмон тоши, отилган жойида қолиши керак", деган гапини миясига қўйиб олган. Эри ишлаш учун қаёққадир кетган, йиллар давомида ундан хат-хабар йўқ, жигари касал, пул йўқ. "Дод!" деб отасиникига бориши керак бўлган бир аҳволда. Бу ҳолатда ночоргина, одатдаги муштипарга айланиб қолиши ҳеч гап эмас. Бироқ актриса ўзига юклатилган вазифани кечинма санъати орқали шундай нозик очадики, бу аёл бошқаларга ўхшаб муҳитга тўлалигича сингиб, кўникиб кетмайди. У ўзининг қисматини тушуниб туради. Оғриб турган яраси яна қайта тирналмаслиги учун, гапни бошқа ёққа буриб, яна ўша хушчақчақ содда аёл ҳолатига кириб кетади. "Ўтов"ни кўрганда россиялик киношунослар айтишган эди: "Филмни кўришдан олдин бу зиёлисифат кўринишли Нозим Тўлахўжаевни тоғу тошлар орасида қўй боқиб, ўтовда умр кечирадиган чўпон қиёфасида тасаввур қилолмасдик". Бизга айнан шу керак. Жадидларнинг охирги авлоди бўлмиш Убайни тузумга бўлган нафрат улғайтиради. Шунинг учун ҳам у жамиятга қоришиб кетолмайди. Интеллигенция вакилининг оддий чўпон билан уйғунлиги ўз қарашларига собит, ўзлигига хиёнат қилмаган ўжар одамни гавдалантиради. Агар бошқа актёр ўйнаганда образ янада ўзбекона жонланиши мумкин эди. Лекин ўта дағал, ҳавойи филм бўлиб қолиш эҳтимоли ҳам йўқ эмасди. Кетмонни ерга урганча "Мен аламзадаман", дерди-да, ундан ортиғига кўтарила олмасди.

Режиссёр ҳар бир филмида кичкина бўлса-да бир дунё яратади. Унинг вазифаси ўзининг дунёсини шиорларга айланиб қолишидан асраш.

Сиз кутган учрашув

**— Машҳур кинорежиссёр Микеланжело Антониони «Продюссерлар билан бемалол иш бошлашим учун менда доим сценарий бўлади, лекин ҳақиқий ижод филмни суратга олиш майдончасида бошланади", деган экан...**

— Ҳа, шундай. Ундан: "Суратга олаётган филмингиз нима тўғрисида?", деб сўрашганида у "Бу филмнинг нима ҳақида эканлигини айтишим учун уни аввал суратга олиб кўришим керак", деб айтган. Дарҳақиқат, майдончадаги жараён кўп нарсани ҳал қилади. Институтга кирган йилларимда ўзимга ёққан афоризмларни ёзиб юрардим. Улар орасида Антониониниң яна иккита гапини ҳеч унутмайман: "Сценарий кўп бўлади, лекин мен учун энг қийини ўша хаоснинг ичидан энг керакли нарсани топиб олиш." "Нега тарихий мавзуда кино олмайсиз?», деган саволга у шундай жавоб беради: "Мен ҳали ўзимни тушунганим йўғ-у, қандай қилиб тарихий асарга мурожаат этаман". Унинг филмларини кузатсангиз муҳаббат мавзусига психологик жиҳатдан ўзига хос ёндашувни кўрасиз. Айтмоқчиманки, аслида ўша "хаос" — жавобсиз саволлар суратга олиш жараёнида жуда катта фойда беради.

"Телба"да ўзим ҳам иккита саволга жавоб топмаганман, излаб жой-жойига қўйсам бўларди, лекин атайлаб топмаганман. Суратга олиш майдонида топилади, деб ўйлаганман. Йигит қизнинг уйига пул сўраб келиши саҳнасида икки-учта актёрни синаганмиз. Бу саҳна қанақа бўлиши ҳали номаълум эди. Ўшанда биттаси шартта ўрнидан туриб: "Мен қиз боланинг олдида бунақа гапни гапирмаган бўлардим", дея эътироз билдириб қолди. Демак, персонажга яқин эмас. Бошқаси келиб ғоят таъсирчан қилиб ўйнаб берди. Йўқ, бўлмади. Тушундимки, бизга ўнғайсиз бир вазият керак. Бу самимий йигит ўзининг айни дамдаги аҳволидан хижолат чекаётганлигини сезилар-сезилмас ифода билан кўрсатиб берса бўлди.

Ҳар бир филмимда ҳаётга мослашавермайдиган, дунёқараши ўзгача одамлар тақдирини кўрсатишга ҳаракат қиламан. Бу ҳолат мени кўпроқ ўйлантиради. Менга эътироз билдиришади: «Томошабин, барибир, сен хоҳлаган нарсаларни ўйламайди, фақат сюжетни кўради". Агар шундай бўлса, ишламаган маъқул. Уларнинг хоҳиши деб, бошқача кўнгилли персонаж ҳаётини схематик даражада тасвирлаш билан иш битмайди. Умуман олганда, ҳамма саволларга жавоб қайтариш шарт эмас. Санъат асарининг ўзи савол. Унинг умри ўша саволларга жавоб топилиши билан тугайди.

**— Режиссёр ёзувчи мақсади билан қай даражада ҳисоблашиши керак? Баъзида киноасар ҳақиқати бадиий асарникига тўғри келмайди.**

— Бадиий асарни экранга кўчириш осон иш эмас. Филмда режиссёр муаллиф! Ҳар бир асарни турли талқинда бериш мумкин. Ҳатто айрим китоблар кино орқалигина дунёга чиққан. Режиссёр кўпинча ўзининг ҳақиқати билан ҳисоблашиши шарт. Ҳамфикрлилик бўлгани яхши, лекин бадиий асар билан кино асар ўртасида жуда катта фарқ бўлади. Албатта, ижодкор этикаси деган гап ҳам бор. Сценарийга жиддий ўзгартиришлар киритилаётган бўлса, бундан бадиий асар муаллифини хабардор қилиб қўйиш ортиқчалик қилмайди. Лекин, бошқа бир ҳолат ҳам мавжудки, агар бадиий асар кучли бўлса, режиссёр ёзувчининг ҳақиқатидан узоқлаша олмайди.

**— Замонавий адабиёт билан кино санъатини қиёслаш мумкинми?**

— Кинонинг афзаллиги шундаки, у аудиторияга тез етиб боради. Замонавий ўзбек насрини кузатганимда амин бўлдим — уларда анча-мунча оғриқли нарсалар очиб ташланган. Афсуски, китобларнинг аксарияти жавонларда қолиб кетяпти. Тўғриси, қалам аҳлининг ўз фикрини ифодалашдаги мустақиллигига ҳавасим келади. Афсуски, бу борада бизнинг имкониятимизни ёзувчилар имкониятига тенглаштириб бўлмайди.

**Давоми олтинчи бетда.**

